БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 202 (4301)
4 СЕНТЯБРЬ 1980 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Ўртоқ Л. И. Брежневнинг саксон ёшга тўлиши муносабати билан Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Калева Кекконенга йўллаган табрик телеграммаси эълон қилинган.

✦ Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри ўртоқ К. Фомвихан КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида дам олгач, Москвадан Ватанига қайта туриб Тошкентда тўхтаб ўтди.

✦ 1980 йил 3 сентябрь куни Совет Иттифоқида Ерникг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос — 1209» учирилди.

Йўлдош ичига СССР халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва халқаро ҳамкорлик манфаатларини кўзлаб, ер табиий ресурсларини тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Олинаётган маълумотлар ишлаш ва фойдаланиш учун «Природа» давлат илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш марказига юборилмоқда.

Коммунист Николай Плотников Тошкентдаги геологоразведка тажриба механика заводининг бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга ахд қилган илғор новатор ишчиларидан бири. Ишларнинг дўсти ва устози бўлган бу ишчи ҳозир ўзининг эзгу мақсади йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Н. Плотников.

МОНТАЖ ИШЛАРИ ТУГАДИ

Роберт Ягафаров бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси 1-уйсозлик комбинатининг 2-бошқармаси коллективида катта ҳурмат-эътиборга эга. Социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган бригада қурувчилари злобин методи асосида ишламоқдалар.

БУГУН

уйсозлар 2-уйсозлик комбинати бригадалари билан ҳамкорликда иккита беш қаватдан иборат 30 квартирали истиқомат биноларида монтаж ишларини ниҳоясига етказдилар. Қўйлиқ 5-Б массивида қад ростлаган бу биноларда айни пайтда пардозлаш ишлари давом этмоқда.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

«ЎНЛАР ТАШАББУСИ» — АМАЛДА

ИНСОННИ МЕҲНАТ УЛУҒЛАЙДИ

● «ЎНЛАР ТАШАББУСИ»НИ БОШЛАБ БЕРГАНЛАРДАН БИРИ — ЭЛЕКТРОН-ТЕХНИКА ЗАВОДИНИНГ СОЗЛОВЧИСИ АНВАР МУҲАМЕДОВ ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ ● ИЛҒОР ИШЧИ КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИГАН КУНГАЧА ЯНА БИР ЙИЛЛИК ПРОГРАММАНИ БАЖАРИШ ҲАҚИДА ЯНГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. ● ҲОЗИР ЗАВОДДА 6 НАФАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРИ 1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА.

Кеча В. И. Ленин номли Ленин орденли электрон-техника заводида митинг бўлиб ўтди. Унда «ўнлар ташаббуси»нинг авторларидан бири, ўнинчи беш йилликка қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари адо этган Анвар Мирзаевич Муҳамедовга ва илғор корхона коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия комитетлари раҳбарларининг табрикномалари ўқиб эшиттирилди.

...Зал лиқ тўлган. Бу ерга корхона ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари тўпланган. Уларнинг бирлашган куч-ғайрати туфайли корхона ўнинчи беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2,6 баравар оширди. Залда ўтирганларнинг ҳаммаси — ишлаб чиқариш илғорлари. Заводда 1800 киши шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарди. Олти киши — коммунистлар, республикада «Ўнлар ташаббуси»ни бошлаб берганлардан Анвар Муҳамедов, Владимир Кувшиннков, Александр Савинов, Акмал Умаров, комсомол аъзоси Тўра Муҳиддинов ва Шоолим Абдувосилов рекорд қўйдилар.

Ҳар куни икки нормадан адо этиб, шу йилнинг 26 августида икки беш йиллик топшириқ бажарилди, деб рапорт бердилар. Мана бугун уларни касбдош ўртоқлари чин кўнгилдан, қизғин шарафлашмоқда.

Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидовнинг электрон-техника заводи 12-цехининг созловчиси А. М. Муҳамедов ва завод коллективига йўллаган табригини ўқиб эшиттиради. Жумладан, унда шундай дейилади: **«Сизни, Анвар Мирзаевич ва цехдаги ўртоқларингизни ажойиб меҳнат ғалабаси — беш йилдан озроқ муддат ичида икки беш йиллик топшириқларини бажарганлигингиз билан самимий табриклайман ва қутлайман.**

Илғорларнинг ташаббуси бу — социалистик тузумимизнинг бебаҳо мулки, унинг кучига куч қўшувчи манбалардан биридир. Сиз ва Сизнинг издошларингиз каби беш йиллик зарбдорлари меҳнат унумдорлигини оширишнинг туб резервларини очиб бермоқдалар, ишга коммунистик муносабатнинг намунаси бўлиб хизмат қилмоқдалар...

Ишонамиз, сиз Анвар Мирзаевич ва Тошкент электрон-техника заводининг бутун коллективи ошкрилган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этасиз, корхонанинг шонли анъаналарини бойита бориб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва сифатини яхшилаш учун бутун имкониятларни ишга соласиз, ленинчи партиямизнинг XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини зарбдор меҳнат билан кутиб оласиз».

У. У. Умаров ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия комитетлари раҳбарларининг табрикномаларини Анвар Мирзаевичга топшира туриб, шундай деди:

— Раҳмат, Анвар ака. Сиз 1976 йилнинг декабрида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг мажлисида берган ваъдангизни шараф билан бажардингиз. Завод коллективи сизни ишлаб чиқариш илғори, ёшларнинг устози сифатида ҳурмат қилишидан хурсандман. Сиз ўн нафар ёш ишчига ўз касбингизни ўргатибсиз. Ўйлайманки, уларнинг ҳар бири меҳнатда ҳам, ҳаётда ҳам сизга тенглашишга ҳаракат қилмоқда.

Электрон-техника заводининг ишлаб чиқариш илғорлари ана шундай юксак суръат билан меҳнат қилиш учун меҳнат унумдорлигини оширишнинг қандай резервларидан фойдаландилар?

— Аввалига мен, мендан кейин цехнинг бошқа ишчилари бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш мажбуриятини олганимизда коллективда, улар қандай қилиб бундай маррага эришадилар мавзуида тортишувлар бўлди. Биз олдиндан пухта ўйлаган, имкониятларни топиб қўйган эдик,— ҳикоя қилади Анвар Мирзаевич. — Одатдагидек иккита эмас, уч дастгоҳга хизмат кўрсата бошладик.

Ишлаб чиқариш илғори Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия комитетларининг табригига жавобан митингда ўз зиммасига янги социалистик мажбурият қабул қилди: партиямиз XXVI съезди очилишигача яна бир йиллик нормани бажаришга қарор қилди.

Митингда 12-цех созловчиси А. Умаров, завод бош инженери В. Татеосов, комсомол ташкилотининг секретари Н. Ильяшенко ва бошқалар сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори корхонада меҳнат активлигини оширди юборганлиги ҳақида гапирдилар. Юздан знёд бригада ва цех, юзлаб ишчилар москваликлар ташаббусига қўшилиб, 1980 йил планини Улуг Октябрнинг 63 йиллигига қадар бажариш мажбуриятини олди.

Электрон-техника заводининг коллективи ўз олдига беш йиллик плани 10 декабргача бажариш ва беш йилликнинг охиригача аввалги қабул қилинган мажбуриятга қўшимча равишда бир неча миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш вазифасини қўйди.

⁂

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров Анвар Муҳамедовни икки беш йилликни бажарганлиги билан табриклаётганда; митинг қатнашчилари.

М. Нуриддинов фотолари.

ЧЕВАРЛАР АҲДИ

БУГУН

Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси 2-цехининг тикувчиси Фарида Каримова 1982 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бундай пешқадам ишчилар корхонада 160 кишини ташкил этади. Фабрикада 14 бригада бўлиб, шулардан 3 таси «Комсомол ёшлар бригадаси» ҳамда 2 таси «Коммунистик меҳнат бригадаси»дир. КПСС аъзолари Мавлуда Убаева, Мавлуда Аҳмедова, Ҳалим Ғозиевлар бошлиқ бригадалар шу номни оқлаяптилар. 168 нафар ишчи «Коммунистик меҳнат зарбдори» бўлиб, меҳнатда ўрнак кўрсатиб ишлаяпти. Корхона ишчиларидан 580 нафари съездолди социалистик мусобақасида қатнашиб, меҳнатда қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Йиллик план 5 ноябрда бажарилиб, пландан ташқари 385 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Беш йилликда эса пландан ташқари 2 миллион сўмдан ошиқ маҳсулот тайёрланади.

Фабрикада 57 хил бош кийим ишлаб чиқарилиб, шулардан 15 тасига давлат Сифат белгиси берилган. яқинда яна болалар ва аёлларнинг янги 5 хил бош кийимини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

8 ойлик план реализация бўйича 206,6 процент қилиб бажарилди. Пландаги 4 миллион 208 минг сўмлик ўрнига 4 миллион 486 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. КПСС аъзоси Ёқут Шоусмонова, ВЛКСМ аъзоси Озода Исахўжаева, Людмила Пятигорская-лар вақтдан ўзиб ишламоқдалар. КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш корхона ишчиларининг қатъий аҳдидир.

МАЙДОН УЗРА ЁҒДУЛАР

БУГУН

«Электрогазосветмонтаж» ремонт-қурилиш бошқармаси монтажчилари Халқлар дўстлиги майдонидаги тўққиз қаватли турар жой биносида янги газосвет рекламаси қурилмасини бошлаб юбордилар. Энди пойтахтимизнинг янги майдони узра тунги осмон қўйнида «СССР халқлари дўстлиги — леннинча снёсат танганаси» сўзлари порлайди. Мазкур рекламани В. Ким бригадаси ўрнатмоқда. В. Арбузников бригадаси бўлса худди шундай рекламани Ўрта Осиё экономика илмий-тадқиқот институти биносининг пештоқига ўрнатмоқда.

ИШЧИ МАҲОРАТИ МАКТАБЛАРИ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рихситтилла Ҳусеков Тошкентдаги 63-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирган бўлғуси ишчиларнинг мураббийси бўлди. Билим юртининг энг яхши тарбиячиси конкурсдан муваффақиятли ўтган ўзининг янги шогирдларини самимий қутлади. Бу йил 63-даврат махсус ҳунар-техника билим юртида ҳар бир ўринга учтадан ариза тушди.

Янги ўқув йилида республикадаги ҳунар-техника таълими системасида йигит ва қизлардан 230 минг киши ишчи маҳорати сирларини ўргана бошлади. 480 та ўқув юрти ҳозир қарийб 280 хил ишчи касбларини ўргатади.

Кўпгина ҳунар-техника билим юртлари саноат, қишлоқ хўжалигининг янги тармоқлари ривожланаётганлиги муносабати билан ўнинчи беш йиллик мобайнида пайдо бўлди. Бугунги кунда ҳунар техника таълими системасида ўргатилаётган ихтисослар орасида электрон-ҳисоблаш машиналарининг программистлари, программа билан бошқариладиган станоклардa ишлайдиган токарлар, Тошкент метрополитенида ишлайдиган электриклар ва бошқа мураккаб касб эгалари бор.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН

Қўйлиқ кўприксозлик темир-бетон конструкциялари экспериментал заводининг ишчилари Тюмень областига узоқ муддатли командировкага жўнаб нетган ҳамкасбларига «Янги ғалабалар билан қайтиб келинглар!» деб истак билдиришди. 2-йўл қурилиш бошқармасидан газ-электр пайвандчи Рамиль Бигилдин, арматурачи Владимир Кукрезенко, бульдозерчи Павел Косюков, трактерчи Николай Кишкин ва бошқа ўзбекистонлик бунёдкорлар Ғарбий Сибирда автомобиль магистралларини бунёд этишда қатнашишади. Ҳозир вакилларимиз йўлда. Улар учун меҳнат фронти тайёрлаб қўйилган.

Тюменлик нефтчилар учун ҳозирга қадар минглаб куб метр темир-бетон конструкциялари жўнатилди. Тошкент корхоналарининг вакилларн 1600 километр узунликдаги автомобиль йўлини бунёд этишда иштирок этадилар.

Бизнинг интервью

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театрининг ижодий коллективи ўзининг навбатдаги мавсумни бошлайди. Санъаткорлар бу мавсумда ҳам томошабинларни хушнуд этиш мақсадида яна янги куч — ғайрат ва ижодий режалар билан ишга киришдилар. Бу ҳақда театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика комсомоли мукофотининг лауреати Баҳодир ИЎЛДОШЕВ мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Театримиз коллективи мавсумни атоқли адибимиз Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» асари билан бошлайди. Кекса санъат даргоҳининг ижодкорлари бу мавсумни жонажон партиямизнинг бўлажак катта анжуманига муносиб тайёргарлик кўриш билан кутиб олдилар. Коллективимиз фаолиятининг асосий мазмуни ана шу съездни улуғлаш, унга муносиб совғалар ҳозирлаш билан характерланади. Шу кунларда барча ижодий коллектив янги-янги саҳна асарларини яратиш устида қизғин ишламоқда. Шулардан бири атоқли драматург Уйғуннинг ижодига мансуб бўлган «Абу Али ибн Сино» драмасидир. Бош ролларда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Турғун Азизов ҳамда бошқа санъаткорлар иштирок этадилар.

Асар воқеаси буюк алломанинг туғилиб воғга етган она қишлоғи Афшонада бўлиб ўтади. Бу саҳна асарида олимнинг ўттизёшлардаги даври акс эттирилади. Маълумки, бу даврда олим жисмоний кучга, ақлидрокка, билимга ғоятда тўлишган, элга танилган, ҳаётнинг илғатларини ва фазилатларини яхши ажрата оладиган инсон бўлган. Бу даврда у жоҳил, пала-партиш ишловчи табибларга қарши қаттиқ курашади. Янги саҳна асари аниқ воқеалар замирида яратилмоқда ва унда олимнинг илғор фикрлари кенг акс эттирилади.

Театр коллективи ўзининг бой ижодий фаолияти давомида бундай алломаларнинг қатор ёрқин образларини кўплаб яратган. Навоий, Улуғбек, Беруний, Фурқат, Ҳамза каби сиймоларимизнинг образлари Абу Али ибн Сино саҳна асарининг яратилишида бой тажриба берапти ва у театр ҳазинасидаги нодир шу каби спектакллар қаторидан дурдона каби ўрин олади.

Театр коллективининг ижодий планида бир қатор янги пьесалар бор. Ў. Умарбековнинг «Кузнинг биринчи куни», бошқирд драматурги Озод Абдуллиннинг «Ўн учинчи раис» (Асқад Мухтор таржимасида), Шекспирнинг «Кореолан» трагедияси (Жамол Камол таржимасида) каби асарлар бор. Бундан ташқари Иззат Султон, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Машраб Бобоевлар ҳам янги пьесалар ёзишмоқда.

Мавсум давомида ўзбек театр санъатининг йирик даргалари — СССР халқ артистлари Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхоновларнинг тўйлари ўтказилади.

Бундан ташқари бир қатор тадбирлар ўтказиладики, улар театр репертуари, дала заҳматкашларнинг образи каби мавзулардаги конференциялардир.

А. ПЎЛАТОВ.

АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР ДАВРАСИДА

Кеча Тошкент шаҳар партия комитетида «думалоқ стол» атрофида суҳбат бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров олиб борди.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш, планлаштиришнинг янги системаси асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ проблемалар суҳбат мавзуи бўлди.

Учрашув қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарори асосида жойларда ишлаб чиқаришга раҳбарликнинг асосий томонларини қамраб олувчи тадбирлар системасини ишлаб чиқишганлигини ва амалга оширилаётганлигини таъкидладилар.

«Думалоқ стол» атрофидаги учрашувда сўзга чиққан «Компрессор» заводининг директори Н. Новаченко, «Узбексельмаш» заводининг директори Р. Нодиров, электрон-техника заводининг бош инженери В. Татеосов, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Г. Адалев, «Узбекекстильмаш» бирлашмасининг бош директори Р. Мангутов, «Средаэлектроаппарат» бирлашмасининг бош директори В. Фетисов, халқ хўжалиги институтининг ректори М. Шарофхўжаев ва бошқалар хўжалик механизмини такомиллаштиришни янги амалий масалаларини чуқур ва атрофлича таҳлил қилдилар, планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга таъсирини кучайтиришга доир бошқарувчилик фаолияти тажрибаларини ўртоқлашдилар.

«Думалоқ стол» атрофидаги учрашувни иқтисодий таълим бўйича шаҳар совети корхона директорлари совети ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг экономика секцияси билан биргаликда ўтказди. Суҳбатда газета, журнал ва радио журналистлари иштирок этдилар.

МИКРОРАЙОН КЕНГАЙМОҚДА

«Олмазор» массивида 140 минг квадрат метр фойдали майдонга эга бўлган турар жой биноларн қурилмоқда. Бу ерда жуда кўп тошкентликлар уй тўйларини ўтказишади. Ҳозир маданий-маиший ва савдо объектларига эга бўлган тўқиз қаватли панелли уйлар тиклянпти.

8-уйни тиклаш жадал суръатда олиб борилмоқда. Монтажлаш ишларини Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 12-қурилиш трести 49-қурилиш бошқармасидаги Василко Харанишвили етакчилик қилаётган комплекс бригада бажармоқда. Ҳозир қурувчилар еттинчи қаватда монтажлаш ишларини уддалашяпти. Айни пайтда пардозловчилар ва бошқа ёрдамчи пудратчиларга иш фронти очиб берилмоқда.

М. Богомольний мастерлик қилаётган участка бунёдкорлари КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, мамлакатимиз коммунистларининг буюк анжуманини меҳнатда янги муваффақиятларн қўлга киритиш билан кутиб олишга қарор қилишди.

● ФУТБОЛ

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Кеча футбол бўйича СССР терма командаси навбатдаги жаҳон чемпионатининг дастлабки саралаш учрашувини ўтказди. Футболчиларимиз Исландия терма командаси билан куч синашиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Тўпларни майдон эгаларидан Свенссон, меҳмонлардан Гаврилов ва Андреев киритдилар.



БХР. Софиядаги металларни коррозиядан муҳофаза қилиш институтида янги силикат эмаллар яратилди. Бу эмаллар инҳоятда агрессив муҳитда ҳам юксак муҳофаза хусусиятларини кўрсатди.

СУРАТДА: инженерлар К. Сахно ва Л. Жонев институт лабораториясида.

ТАСС фотохроникаси.

телетайп лентасидан

✦ **БУХАРЕСТ.** Социалистик Руминиянинг қарийб 200 минг студенти учун шу беш йилликда жами сатҳи 186,7 минг квадрат метр бўлган янги аудиториялар, методик кабинетлар, ишлаб чиқариш устахоналари қуриб берилди.

Руминия Социалистик Республикасида олий таълимнинг моддий базасини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу йилнинг ўзидагина Крайовода медицина институтининг янги корпуси, янги аудиториялар ва устахоналар, шунингдек ЯСС политехника институти, Плоешти ва Петрошани шаҳарларидаги олий ўқув юртлари студентлари учун ётоқхоналар қурилди.

✦ БЕЛГРАД. Югославия студентларининг қурилиш отряддлари меҳнат семестрини якунламоқдалар. Шу йил ёзда мамлакатнинг 30 дан ортиқ қурилишида 50 минг йигит-қиз ишлади. ЮСФР студент отрядларининг жангчилари «Жердап — 2» гидроэлектростанция с и н н барпо этишда қатнашдилар, миллий парклар ни ободонлаштирдилар, спорт комплекслари қурдилар.

✦ **НЬЮ-ЙОРК, АҚШ** ҳукмрон доиралари Кент университети студентларидан қонли ўч олинганлигини америкаликлар хотирасидан чиқариб ташлаш учун барча воситаларни ишга солмоқдалар. Бундан ўн йил муқаддам университет территориясида миллий гвардиячилар Америка ҳарбийларининг Камбоджага бостириб киришига қарши норозилик билдирган студентларнинг тинч намойишини ўққа тутган эдилар.

Огайо штатининг маъмурлари Эн-би-си радиотелевизион компаниясининг ўша кунлар воқеалари тўғрисида ҳужжатли кинолента яратиш ниятида Кент университети территориясида фильмни суратга олишига рухсат бермади. Бундан илгари Огайо губернатори штат муассасаларининг фильмни суратга олишда қатнашмоқчи бўлган хизматчиларини ишдан бўшатиш билан дўқ-пўписа қилиб огоҳлантирган эди.

✦ АНҚАРА. Туркия пойтахти бу йил ёзда аҳолига керакли сувнинг ярмидан камини олмоқда. Матбуотнинг хабарларига кўра, тўртта сув омбори ва 120 та артезиан қудуқлари анқараликларга ҳар куни 700 минг ўрнига атиги 330 минг куб метр сув етказиб бермоқда. Шундан йигирма процента водопровод тармоқларида тез-тез рўй берадиган аварияларга оқибатида исроф бўлмоқда.

(ТАСС).

БУГУН ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА

• Беш йилликнинг ёш гвардиячилари

ЦЕХ ФАХРИ

Мадина ўрта мактабни муваффақиятли тугатди. Битириш кечасида машҳур тўқувчи Дилбар Қулматова ҳам иштирок этди, меҳнат ютуқлари ҳақида гапириб берди, ёшларни комбинатга ишга таклиф этди.

Ана шундан сўнг Мадинага ухшаган 35 нафар оққурғонлик қиз комбинатга йўл олишди. Ўша 1976 йилда Тошкент тўқимачилик корхонаси минглаб қизларни ўз бағрига чорлаётган пайт эди.

Мадина комбинатга қадам қўйди. Ширин болалик дамлари, унутилмас ўқувчилик йиллари, ҳамиша меҳр-муҳаббат билан боқиладиган азиз нигоҳлар ҳамма-ҳаммаси ортда қолди. Олдинда-чи, олдинда Мадинани нотаниш дунё, нотаниш нигоҳлар кутяпти. Мадина учун дастлаб бу улкан даргоҳга қўникиш қийин бўлди.

— Болам, яхшилаб ўйлаб кўр, бу жиддий масала. Сенинг келажагинг учун муҳим бўлган масала. Қийналмайсанми, кейин адашмаймисанми, демайсанми?!

Мадина комбинатга келганидан кейин унидагиларнинг бу сўзларини неча марталаб кўзида ёш билан эслади...

Йўқ, Мадина адашмаган эди. У дастлаб Ленин ордени кавалери бўлган инструктор С. Пўлатовага шогирд тушиб, комбинатнинг иши билан танишди. Ип боғлаш, станокни ишлатиш сирларини тезда ўрганиб олди. Кейин Дилбар Қулматовадан тўқувчиликнинг нозик сирларини ўрганди. Дастлаб 2—4 тан, кейин 16 та, ундан кейин эса 24 та станокни бошқаради. Мана, ҳозир эса у биринчи тўқув фабрикасидаги 2-тўқув цехининг 2-бригадасида 36 та станокни бошқаради. Мадина Раҳмонова коммунист. У Коммунистик партиямизнинг кўрсатмаларини бир дақиқа ҳам унутмайди.

Мадина қунт билан меҳнат қилди. У билан бирга келган дугоналарининг баъзиларини меҳнат машаққати чиниқтирганда ҳам у иккиланмади, қаттиқроқ меҳр қўйди ўз касбига. Мадинани комбинатда сақлаб қолган яна бир нарса, ажойиб меҳнаткаш кишиларнинг меҳри, ғамхўрлиги бўлди. Мадина ўз устози Дилбар Қулматовани муҳаббат билан тилга олади.

2-тўқув цехи мастери, 20 йилдан бери комбинатда меҳнат қилаётган Рашид Каримов:

— Бизда мавжуд 5 та бригададан 4 таси илғорлар, зарбдорлар бригадаси. Айниқса, моҳир ёш тўқувчи М. Раҳмонова ишлайдиган бригада план топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажариб келмоқда, — деди фахр билан. — Смена ўтган ойлик планни 103 процент бажарди.

Бунда Ирина Ли, Роза Сиддиқова, Сора Жолдасова каби илғор тўқувчиларнинг хизматлари катта.

...Мадина ҳозир нотаниш комбинатга ҳайрат билан кирган илк кунларини кулиб эслайди. Ахир энди бу ерда уни қадрдон кишилари, таниш дастгоҳлар кутади, ахир...

Йиллар унинг умрини севинчларга тўлдирди. Уни 1978 йилда йиллик планни сентябрда бажаргани учун «Беш йиллик ёш гвардиячиси» ва 1979 йилдаги муваффақиятлари учун «Коммунистик меҳнат зарбдори» нишонлари билан тақдирлашди.

Мадина ўтган йили йиллик пландан ташқари 600 метр газлама тўқиб, планни октябрь ойидаёқ бажарган эди. Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг якунловчи йилида бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиши тайин! У комбинатга келгандан буён 1 миллион 300 минг метр газлама тўқиди. Бу планда белгиланганидан 70 минг сўмлик кўпдир. Илғор тўқувчи ҳали янада катта муваффақиятларга эришишига ишонамиз.

М. ҲОСИЛОВА.

ЕЧИМСИЗ МУАММОЛАР...

Тошкент тўқимачилик комбинати темир йўл бирлашган хўжалиги коллективи зиммасига катта ишлар юкланган. Бу коллектив 20 ташкилот билан шартнома тузиб меҳнат қилади.

Бундай қараганда хўжаликда иш бир текис кетаётгандай туюлади. Аслида-чи? Аслида вагонларни топширишда кечиқаётганлиги туфайли бу хўжалик шаънига аччиқ-чучук гаплар айтилиб турилади. Бунинг сабабларини қидирадиган бўлсак, ҳал бўлмаётган ва ишга тўсқинлик қилаётган муаммоларнинг серобилигини кўрамиз. Вагонлар ўз вақтида берилмаслиги юк тиширувчи бригада аъзоларини жиддий норозилигига сабаб бўлмоқда. Мана шу муаммони хўжалик бошлиғи П. Е. Баталов ва инженер Г. И. Турахўжаевлар олдига қўйганимизда улар қуйидаги гапларни айтишди.

— Тепловозларнинг етишмаслиги ишни белгига тепмоқда.

— Қизиқ. Ахир сизларда учта тепловоз ишлаб турибди-ку?

—Тўғри. Бизда учта тепловоз бор. Лекин бизда тепловозларни ремонт қилиш учун эҳтиёт қисмлар етишмайди. Бунинг устига тепловозларнинг барчаси капитал ремонт талаб қилади. Уларни заводларга юбориш керак. Биз бир неча бор республика Енгил саноат министрлигига мурожаат қилдик. Ваъдадан бошқа нарса ололмадик.

Ҳақиқатдан ҳам депо ишчилари йўқни кўндириб, бир амаллаб ишлашмоқда. 1980 йил ҳисобига эҳтиёт қисмлар кам ажратилган экан, қойнаҳой 1981 йилда кўпроқ бўлар, деган умидда ўзларини овунтириб юришган бўлса ажаб эмас. Аммо тўсиқ бўлаётган нуқсон фақат бугина эмас. Хўжаликка қарашли мижозларнинг бепарволиги туфайли ҳам вагонлар узоқ ушланиб қолмоқда. Шу хўжаликка қарашли «Қозонхоналар корхонаси» раҳбарлари бойқибеғамликда ҳар қанақанги парвойи фалакларни бир чўқишда қочиради. Бу корхонага бошқа юклар қатори тез-тез туз ҳам келтириб турилади. Тушириш майдонига аранг бир вагон туз сиғади. Қонда бўйича бу майдон тез-тез тозаланиб турилиши ва навбатдаги вагон қабул қилиниши керак бўлади. Бироқ белгиланган майдонда тузлар тоғ бўлиб кетадики, тозаловчи топилмайди. Аксига олиб шундоқ яқинигина жойда шу корхонанинг махсус туз ортувчи техникалари ишлаб туради. Ишчилар улардан майдонни тозалаб беришни илтимос қилишса, бу илтимос баъзан бажарилади, баъзан бажарилмайди. Раҳбарлар эса бу ерда кам кўринишади. Ишчилар кимга мурожаат қилишларини билишмайди. «Узмашснабсбит» базасида юкчилар учун ҳам дуруст қулайликлар йўқ. Вагонлар «трап»нинг носозлиги кўпинча ишчиларни хуноб қилади. Бу ташкилот раҳбарлари бу борада чуқур ўйлаб кўришса яхши бўларди. Қурилиш материаллари комбинати учун келтириладиган юкларни, шу жумладан, ўтга чидамли ғиштларни шартномага биноан хўжалик ишчилари туширишн лозим. Тушириш майдони техника билан яхши таъминланган. Вагондаги ғиштлар ҳам механизмлар ёрдамида туширишга мўлжалланиб пачка-пачка қилиб боғланган. Хуллас, комбинатнинг шу соҳага лойиқ юк тиширувчи каралари ҳам мавжуд. Бир вагон ғиштни бир соатга қолмай тушириш мумкин. Аммо негадир ҳозир бу ерда ғиштлар қўлда тиширилади. Бу жараён 12—13 соатлаб вақтни олади. Бу тўғрида комбинат хўжалик раҳбарлари бир ўйлаб кўришса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ишчилар таъминоти ҳам дуруст эмас. Хўжалик қошидаги чойхонада иссиқ овқат ташкил қилишни иложи бўла туриб, ишчилар қуруқ чой билан котлет чайнашади. Тўқимачилик комбинатининг раҳбарлари бу масалада ҳам ваъдадан нарига ўта олишмаяпти...

Н. НОРҚОБИЛОВ,
Т. ҲАНИТБОЕВ.

Шаҳримизнинг Чилонзор райони йил сайин обод ва кўркам бўлмоқда.
СУРАТДА: Халқлар дўстлиги проспектининг манзараси.

М. Нуриддинов фотоси.

ВЛКСМ аъзоси Анна Юрьевна Савоськина Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида пресловчи бўлиб ишлайди. Коммунистик меҳнат зарбдори илғор иш усулларини пухта ўзлаштирганлиги сабабли кунлик ва ойлик планларини мунтазам 130 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: А. Савоськина.

Н. Шоиноғомов фотоси.

Республика бўйлаб

«МАҲОРАТ ДАРСЛИКЛАРИ»

«Навоийазот» бирлашмасининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ўз олдиларига конкрет марраларни белгилаб олдилар. Улар коммунистларнинг Бутениттифоқ анжумани очиладиган кунгача квартал планидан ташқари юзлаб тонна аммиак, ўнлаб тонна сунъий тола, бир эшелон минерал ўғит тайёрлашга аҳд қилдилар.

Коллективнинг бу ҳисоблари партия съезди шарафига ўз зиммасига социалистик мажбуриятлар олган ҳар бир ишчининг имкониятларини синчиклаб анализ қилишга асосланган. Шундай мажбуриятларнинг 3300 таси қабул қилинган. 900 га яқин инженер ходимлар ишчиларнинг рекламини шахсий иждоий планлари билан мустаҳкамладилар.

План ва мажбуриятларда илғор тажрибаларни бригада, участка цехдаги ўртоқларга ўргатишга асосий эътибор берилди.

— Ҳозир аксия ишчиларимиз Н. Фролова бригадаси тажрибасини муфассал ўрганиб бўлдилар,— дейди касаба союз комитети раисининг ўринбосари А. Макарова. — Энди бригадир Б. Келлэт иш усулларини якунлаяпмиз. Биз тузган графикка биноан бирлашмада керакли кўпчилик асосий ихтиссисликлар бўйича шундай «маҳорат дарсликлари» тузилади.

Беш йиллик бошидан бери нейтрон цехининг коллективи мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Бу коллективда план ой сайин ошириб бажарилмоқда. Сунъий ип тайёрлаш усталари йил охиригача ярим миллион сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлашга қарор қилдилар.

«Ишчи маҳорати курсини битирганлар энг яхши аппаратчи, токарь, йигирувчи, лаборант учун ўтказиладиган анъанавий конкурсларда қатнашмоқдалар. Бу мусобақаларда ёшларни касб-корга ўргатган, энг яхши мураббийлар, зарбдор меҳнати билан шахсан ўрнак бўлаётганлар судьялик қилмоқдалар.

Навоий химиклари съезд олди мажбуриятларини қабул қилганларида ана шундай омилларни назарда тутгандилар. Улар мажбурият сўзсиз бажарилажагига аминдирлар.

КОММУНИСТЛАР ЎРНАК БЎЛМОҚДА

Қўқон пойафзал фабрикаси Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш беш йиллик программасини бажарди. Фабрика областда биринчи бўлиб ана шундай муваффақиятга эришди. Магазинларга жўнатилаётган пойафзалларнинг ҳар тўрт жуфтидан бирига фахрий беш бурчакли белги қўйилмоқда. Бу кўрсаткичга йилнинг охирида эришиш мўлжалланган эди.

Корхона коммунистларининг хизмати билан беш йиллик маррасига муддатидан илгари эришилди. Фабрика партия ташкилотининг ташаббуси билан беш йиллик бошидаёқ ёш ишчилар учун курс ташкил этилган эди. Бу ерда моҳир усталар—партия ходимларидан Л. Скобелева, М. Сатторова, Л. Шадрина ва бошқалар ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар. Мана шулар сифатни бошқаришнинг комплекс системаси шароитида ишни биринчи бўлиб ўзлаштирган эдилар. Коммунистлар фабрикадаги барча меҳнаткашларга ўрнак кўрсатиб, маҳсулот сифатини ошириш юзасидан маъмурият ишини назорат остига олдилар. Корхона партия комитети тузган махсус комиссия беш йиллик мобайнида шу иш билан шуғулланмоқда.

Машаққатли, саботли меҳнат зое кетмади. Қўқон пойафзалчилари КПСС XXVI съезди шарафига Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқаришни бир неча процент кўпайтиришга қарор қилдилар. «Нуқул аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз» ҳаракатида бутун коллектив—коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам иштирок этмоқда.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

СОФИЯ. Болгариянинг шимоли-шарқий районларида геологияқидирув ишлари ва тадқиқотлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу ерда совет мутахассисларининг ёрдами билан коксланадиган кўмирнинг жуда катта қатламлари аниқланди. Бу эса ҳозирги вақтгача БХРдаги ана шу ёқилғининг маълум бўлган барча запасларига тенгдир. Добружан кўмир ҳавзасидаги дастлабки чуқур шахтани ковлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Дастлабки тонна ёқилғини келгуси беш йилликда қазиб чиқариш мўлжалланмоқда. Геологлар София округидаги Балша қишлоғи райони лигнит кўмирининг запасларини ва Бургас округида кулранг кўмирнинг запасларини ҳам аниқладилар.

Республиканинг геология-разведка хизмати тугаётган еттинчи беш йиллик мобайнида бошқа қазилма бойликларнинг каттагина саноат запасларини аниқлади. Бундай фойдали қазилмалар мамлакатнинг минерал хом ашё базасини жиддий равишда кенгайтириш имконини берди. Чунончи, Панагюрište шаҳри районида Болгарияда энг йирик бўлган «Асарел» янги мис кони аниқланди. Бу эса шу ерда яқин йиллар ичида мис қазиб чиқаришни икки баравардан зиёд кўпайтириш имконини беради.

В. БЕСКРОМНИЙ.

ЎРИМ—ЙИҒИМ ТУГАДИ

БУДАПЕШТ. Венгрия далаларида донли экиларнинг ўрим-йиғими ниҳоясига етди. Экин майдонларининг 95 процентидаги бошоқли экиндар йиғиштириб олинди, мамлакатдаги 11 область деҳқонлари ўрим-йиғимни тамомлаганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Бу йил ВХР деҳқонлари учун машаққатли йил бўлди. Баҳорнинг кеч келиши, дўл аралаш ёмғир ёққанлиги, мамлакатнинг жанубий-шарқида сув тошқини рўй берганлиги Венгрия далаларининг меҳнаткашларига кўп ташвиш келтирди. Об-ҳаво ниҳоясиларига қарамай донли экиндардан мўл ҳосил етиштирилди. Бунда замонавий агротехникадан кенг фойдаланиш, донли экиндарнинг серҳосил навларини, шу жумладан Совет Иттифоқи олимлари етиштирган навларни қўлланиш катта ёрдам берди. Венгрия деҳқонлари ўрим-йиғимни қисқа муддатларда ва сифатли нобудгарчиликка йўл қўймай ўтказиш учун кўп куч-ғайрат сарфладилар.

Қишлоқ хўжалик машина-механизмларининг яхши тайёрланганлиги, ҳамма жойда меҳнатни ташкил этишнинг замонавий методлари қўлланилганлиги, деҳқонларнинг транспортчилар билан ҳамжиҳат бўлиб самарали ишлаганликлари бу соҳада муваффақиятга эришиш учун ёрдам берди. Ҳосил учун қурашнинг энг қизғин даврида чехословакиялик дўстлар Венгрия қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ёрдам бердилар. ЧССРдан келтирилган 250 дан кўпроқ комбайн ҳосилни ўриб олишда уларга кўмаклашди.

В. НЕМЦЕВ.

МЕТРОНИНГ ЯНГИ ИУЛИ

ПРАГА. Шаҳар марказини янги қурилишлар райони —Жанубий шаҳар билан туташтирувчи 5,3 километр узунликдаги трассада метро поездларини юргизиб синаб кўриш бошланди. Янги йўлда 4 та станция бор. Охирги Космонавтлар станцияси деярли Праганинг чегарасида жойлашган. Йўловчилар Жанубий шаҳардан Вацлав майдонига 21 минутда етиб келадилар.

Прага метросининг қурилишида Совет-Чехословакия ҳамкорлигининг аҳамияти жуда катта бўлди. Янги йўл ўз вақтида қуриб битказилганлиги —метро қурувчилар, асбоб-ускуна етказиб берувчилар ўртасидаги социалистик мусобақанинг натижаси бўлди. Чехословакия қурувчилари билан совет мутахассисларининг Чехословакия фашизмдан озод этилган куннинг 35 йиллиги шарафига олган ҳар қўшма социалистик мажбуриятларининг натижаси бўлди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги куни —1980 йил 7 ноябрда янги трассада йўловчилар қатнай бошлайди.

ҲИНДИСТОНДА САВОДСИЗЛИК ТУГАТИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизликни тугатиш миллий программасини амалга ошириш қизғин тус олди. Шу программага мувофиқ, 1984 йилгача 15 ёшдан тортиб 35 ёшгача бўлган 100 миллион кишини ўқиш ва ёзишга ўргатиш планлаштирилмоқда.

Ҳиндистон ҳукумати мустақилликка эришилган биринчи кунларданоқ ўтмишдаги мустамлакачиликнинг оғир мероси — саводсизлик билан кураш олиб боришга катта эътибор бериб келмоқда. Утган ўттиз уч йил мобайнида шу мақсад учун ўттиз миллиард рупиядан ортиқ пул ажратиб берилган. Ҳозирги кунда 650 миллион аҳолиси бўлган бу мамлакатда 124 университет, тўрт мингта коллеж бор. Шаҳар ва қишлоқ жойларда давлат мактаблари шаҳобчалари доимо кенгайтирилмоқда. Бундай мактабларнинг сони 800 мингтадан ошиб кетди. Мустақилликка эришилганидан буён ўтган йиллар ичида ўқувчилар сони 70 миллиондан зиёд кўпайди ва ҳозирги пайтда қариб 100 миллион кишига етди.

Ҳукумат ҳозирги вақтда 1983 йилга бориб 14 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий бошланғич таълимни жорий этиш вазифасини қўйди.

Лекин, сезиларлик муваффақиятлар бўлишига қарамай, маориф соҳасида ҳали кўп иш қилиш керак. Ҳозирги вақтда ҳиндларнинг учдан бир қисмигина ўқиш ва ёзишни билади. 80 минг қишлоқда мактаб йўқ.

Совет Иттифоқи маориф системасини ривожлантиришда Ҳиндистонга катта ёрдам бермоқда. Совет мутахассислари мамлакатнинг 30 та илмий ва ўқув юртларида ишлаб турибди. СССРнинг ёрдами билан мамлакатда энг йирик деб ҳисобланган Бомбай технология институти ташкил этилди. Бир мингдан зиёд йигит ва қиз Совет Иттифоқидаги турли олий ўқув юртларида ўқимоқда.

А. БОХОНЬКО.

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

ҚОБУЛ. Афғонистоннинг турли вилоятларида партия активларининг митинг ва йиғилишлари бўлиб ўтмоқда, уларда АХДП Марказий Комитети 3-пленумининг партия билан халқнинг барча кучларини чет элларидан юборилаётган сотқинларнинг тўдаларига қарши курашга сафарбар қилиш тўғрисидаги қарорларини бажаришга доир конкрет тадбирлар муҳокама қилинмоқда. Бу йиғилиш ва митингларда партия ва ҳукумат раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Бугун мамлакатда Афғонистон Демократик ёшлар ташкилоти аъзоларининг йиғилиш ва учрашувлари ҳам бўлиб ўтмоқда. Тахар вилоятидаги ёшларнинг йиғилишидан кейин шу ташкилотнинг юз нафар аъзоси жамоат тартибини сақлаш ва афғон халқининг душманларига қарши кураш отрядларига кирдилар, деб хабар қилади Бахтар агентлиги.

⁂

ТАНЖЕР. Марокашнинг Танжер шаҳрида халқ ҳунармандчилигининг янги маркази очилди. Унда учта кулолчилик цехи, кўнчилик цехи, биллур ишлаб чиқарувчи бешта кооператив, ўймакорлик устахоналари, кўргазма заллари бор.

Мустақиллик йиллари мобайнида Марокашда 86 та мана шундай марказ барпо этилди. Махсус кооперативлар, ҳунармандлар тайёрловчи мактаблар ҳам ташкил этилди.

Халқ ҳунармандчилиги мамлакат экономикасида муҳим ўрин олади. Давлат ҳунармандларнинг маҳсулотини маҳаллий бозорда ва чет элларда сотиш орқали ҳар йили икки миллиард дирҳамгача даромад олади, бу эса Марокаш бюджетига валюта тушумларининг муҳим қисмини ташкил этади. Экономиканинг шу секторида ярим миллиондан кўпроқ киши шуғулланмоқда.

⁂

АНҚАРА. Измир яқинидаги Алиоға деган жойда етти йил муқаддам Совет Иттифоқининг техникавий ва иқтисодий кўмаги билан қурилган нефтни қайта ишлаш заводини кенгайтириш ишлари бошланди. Йилига 5 миллион тонна нефтни қайта ишлайдиган заводнинг қуввати оширилиб, 10 миллион тонна нефтни қайта ишлайдиган даражага етказилади. Алиоғада барпо этиладиган янги комплексда 5 минг киши ишлайдиган бўлади, деб хабар қилади Туркия радиоси.

Заводни кенгайтириш учун зарур материаллар ва асбоб-ускуналар СССРдан етказиб берилади.

МЕКСИКА ТРАНСПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕХИКО. Мексика маъмурияти мамлакат пойтахтида кескин тус олган транспорт проблемаларини ҳал этишга катта эътибор бермоқда. Бу ерда метрополитеннинг тўртта янги станцияси ишга тушди. Энди пассажирлар бир неча минутда шаҳарнинг жанубидан шимолига етиб оладилар.

Ҳозирги вақтда катта автомобиль йўлини реконструкция қилиш тугалланмоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР ЗИММАСИГА ТУШМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. Америка машинасозлиги бошидан кечираётган кескин танглик меҳнаткашлар гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда. «Женерал моторс» компанияси ўзининг заводларидан бирини вақтинча ёпиб қўйишини эълон қилди. Натижада уч мингга яқин ишчи номаълум вақтгача ишсиз қолди.

ГФР конституциясига кўра ҳеч ким снёсий эътиқоди учун камситилмаслиги керак. Бироқ, бу низом бузилмоқда. Айрим касбларнинг таъқиланганлиги, прогрессив фикрга эга бўлган 4,5 мингга яқин мамлакат гражданининг ана шу машъум таъқиқлар қурбони бўлганлиги бунинг яққол далилидир. Уларнинг орасида коммунистлар, социал демократлар, касаба союз ва ёшлар ташкилотларининг активистлари бор.

СУРАТДА: инсон ҳуқуқи учун намойиш қатнашчилари.

АДН—ТАСС фотоси.

НАРХ-НАВО ЎСМОҚДА, УЙ-ЖОЙ ҚИММАТЛАШМОҚДА

СТОКГОЛЬМ. Швецияда турар-жой ва коммунал хизмат тобора қимматлашмоқда. «Дагнес индустри» газетасининг хабар беришича, шу йилнинг 1 октябридан бошлаб, квартира эгалари электр энергиядан фойдаланганликлари учун 10 процент кўп ҳақ тўлашга мажбурлар. Бу йил электр энергия нархи ҳозиргача иккинчи марта ошди.

Бундан ташқари, деб қайд этади «Дагенс индустри», Швецияда уй-жой қурилиши ҳажми камаймоқда. Экономистлар и н и н г маълумотларига кўра, бу йил янги квартиралар қурилиши сўнгги 18 йил мобайнида энг паст даражагача тушган.

ҚИШ—СИНОВ ДАВРИ

ХИЗМАТ БЕМИННАТ БЎЛСИН

Аҳолига хизмат кўрсатишда транспортнинг аҳамияти катта. Буни яхши билган шаҳримиздаги 2-трамвай депоси коллективи ўзларининг бутун куч ва имкониятларини ҳисобга олиб йиллик планни муддатидан тўрт кун илгари —27 декабрга бажаришга қарор қилишган. Бу деган сўз пландаги 40 миллион ўрнига яна 500 минг йўловчига беминнат хизмат кўрсатилади. Уничи беш йилликкинг охиригача 100 минг киловатт соат электр энергияси ва 25 минг куб метр ёнғори ёқилғи тежаб қолинади. Бу лардан ташқари депо коллективи белгиланган иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизомини яхшилаш билан 10 минг сўмлик иш ҳақини давлат фондига ўтказишади. Шу кунларда кузги-қишки мавсумга кизгин тайёргарлик кўришяпти.

—Бугун шу масала бўйича йиғилиш бўлиб ўтди,—дейди биз билан суҳбатда техник бўлим бошлиғи В. Филоненко. — Депомизда назорат штаби тузилди...

Ҳа, депонинг ишчи-хизматчилари ҳозирданоқ вагонларнинг ташқи ва ички кўринишини яхшилаш, ойна, эшик ва томларини сифатли ремонтдан чиқариш, пассажирлар ўтирадиган жойларни тузатиш, ҳайдовчи учун қулай шароитни вужудга келтириш каби ишларни бошлаб юборишган.

Биз цехларни айланганимизда, санитария ҳолатини яхшилаш, канализация шахобчаларини тозалаш, электр ўтказгич ва кабелларни назорат қилиш ҳамда цех даразоларини ремонт қилиш ишлари йўлга қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Деподаги Н. Журавлев, М. Қаюмов, Б. Тўлаганов, А. Эргашев сингари моҳир слесарь ва механиклар социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Ҳ. Сиддиқхўжаев, Г. Қаюмова, А. Илоҳанова каби моҳир, тажрибали ҳайдовчилар беш йиллик илғорлари ҳисобланади. Мисол учун К. Сиддиқхўжаевни олайлик. Бу камтар ҳайдовчи ҳозирги кунда 1983 йилнинг август ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Деподаги 13 ҳайдовчи ва 4 кондукторнинг беш йиллик план-топшириқлари и и муддатидан анча илгари бажариб қўйишгани фикримизнинг далилидир.

Бироқ цехларда ўнлаб вагонлар ишга чиқмай, бекор турибди. Бунинг сабабини сўраганимизда, ҳайдовчи ва слесарлар етишмаслигини айтишди.

—Бизда иш оғир, — дейди В. Филоненко.— Умуман ҳамма деполарда ҳам аҳвол шунақа.

Биз 1-троллейбус депосида бўлганимизда, техник бўлим бошлиғи В. Владимиров ҳам шу гапни айтди. Шаҳримиздаги трамвай-троллейбус деполарида неҳотки ишчи кучи етишмаса? Балки иш шароити яхши эмасдир.

— Йўқ, — дейди В. Владимиров — ишлаш шароити ҳам, иш ҳақи ҳам яхши. Кўп жойларга эълон осиб қўйганмиз. Фақат кадрлар етишмаяпти, холос.

Ҳақиқатан ҳам деподаги мавжуд 126 та троллейбусдан ҳар куни 88 таси ишга чиқар экан. Бунинг натижасида йиллик ва ярим йиллик планлар бажарилмаяпти. Бунинг устига айрим боқибеғам ҳайдовчиларнинг план билан иши бўлмаяпти. Н. Аббосов, А. Дегтяров, М. Мирзаев каби ҳайдовчилар 1980 йилги ярим йиллик планни эўрга 60—70 процентга етказишган.

Кўриниб турибдики, ҳайдовчилар ўртасида тартиб-интизом бўшашиб кетган. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ҳам қониқарли эмас. Ҳали депо территориясидаги кўп жойлар асфальт қилинмаган. Цех томлари ремонтталаб бўлиб ётибди. Троллейбуслар техник кўрикдан тўлиқ ўтказилмаган. Бригадалар, маршрутлараро мусобақа ташкил қилинмаган.

Ёз ўтиб, куннинг тафти қайта бошлади. Қишки даврга тайёргарлик кўришни кечиктирмаслик керак. Шаҳар меҳнаткашларига транспорт хизмати кўрсатиш эса ҳали талаб даражасида эмас. Уйлаймизки, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш бошқармасидаги ўртоқлар юқоридаги камчилик ва нуқсонларни тезда бартараф этишиб, ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишни яхшилайдилар.

Қ. ТУРАҚУЛОВ.

Туркологларнинг Тошкентда ўтадиган

III Бутуниттифоқ конференцияси олдидан

ТИЛ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Шу йил 10—12 сентябрь кунлари Тошкентда туркологларнинг учинчи Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини бошлайди. Мазкур йирик илмий анжуман СССР Фанлар академияси адабиётшунослик ва тилшунослик бўлими қошидаги туркологларнинг совет Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Кўп миллатли совет халқларининг аҳил ва қардошлик оиласида ҳамда бир қатор хорижий мамлакатларда 23 дан ортиқ туркий тилларда сўзлашувчи халқлар ҳаёт кечираётир, улар она тили, адабиёти ва тарихини ўрганиш борасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Яқинда биз ушбу катта анжуманни ўтказишга муҳаддаслик қилаётган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари иши билан танишиб, шу институт директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, туркологларнинг III Бутуниттифоқ конференциясини ўтказувчи совет Комитети масъул котиби Матёқуб ҚЎШЖОНОВ билан суҳбатлашдик.

—Матёқуб Қўшжонович, туркологларнинг навбатдаги III Бутуниттифоқ конференциясини ўтказиш учун нима сабабдан Тошкент, хусусан Сиз етакчилик қилаётган А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти танланди?

—Туркологларнинг биринчи конференцияси 1926 йили Бокуда, иккинчи конференцияси эса, 1976 йили Олмаота шаҳрида ўтказилди. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг жиддий ютуқлари аввалги ҳар икки конференция кун тартибидан салмоқли ўрин эгаллаган эди. Бу гал ҳам олимларимизнинг тадқиқотлари, муваффақиятлари конференция кун тартибига қўйилган докладлар орасидан муносиб ўрин олган. Шу ўринда ўзбек тилшунослари ва адабиётшуносларин и н г, хусусан, институтимиз олимларининг кейнинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлари хусусида бир-икки оғиз тўхталиб ўтиш жоиз кўринади.

Икки минг йиллик ўзбек адабиёти тарихини акс эттирувчи беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи», икки томлик «Адабиёт назарияси», уч томлик тўрт китобдан иборат «Ўзбек совет адабиёти тарихи», уч томлик «Ўзбекистондаги рус адабиёти тарихи очерклари» каби фундаменталь тадқиқотлар республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Академик адиб Ойбекнинг 19 томлик мукаммал асарлар тўпламининг нашр этилган 14 томи, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг тўрт томлик, файласуф шоир Ҳ. Олимжон ўн томлик мукаммал асарларининг дастлабки жилдлари ўқувчилар қўлига бориб тегди. Бу академик нашрларни ҳам халкимиз катта қувонч билан қабул қилди.

Фольклоршуносларимизнинг зафари ҳам таҳсинга сазовордир. 45 томга мўлжалланган «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» намуналарининг 20 дан ортиқ томи ўқувчиларнинг китоб жавонларини безаб турибди.

Институтимиз тилшуносларининг тадқиқотлари ҳам алоҳида таҳдирланарлидир. Ўзбек тилининг икки томлик изоҳли луғати Москвадаги «Русский языка» нашриётида чоп этилгани. У яқин орада ўқувчилар қўлига тегади. «Ўзбек тилининг тарихи», уч томлик «Ҳозирги замон ўзбек тили», ўзбек тилининг илмий грамматикаси ва бошқа ўнлаб тадқиқотлар тилшуносларимиз кейинги пайтда нечоғлиқ салмоқли ютуқларга эришаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, «Русча-ўзбекча луғат», «Ўзбекча-русча луғат», туркий тилларнинг диалектологик атласи ҳам яқин орада китоб жавонларидан муносиб жой олади.

Филолог олимларимизнинг ҳар йилги тадқиқотлари 300 тобақ босма листдан ошиб кетади. Ҳозирги кунда институтимиз олимларининг асарлари Иттифоқимиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Чунончи, Болгария, ГДР, Венгрия, Чехословакия, Афғонистон, Англия, Туркия, ГФР сингари қорижий мамлакатларда ҳам чоп этилмоқда. Айни кунларда республика Фанлар академиясининг бир академиги, тўрт мухбир аъзоси, 20 га яқин филология фанлари доктори, 80 га яқин филология фанлари кандидати, хуллас 200 кишидан ортиқ институтимиз коллективи Иттифоқимиздаги йирик илмий марказлардан бирига айланди. Шу боисдан ҳам Бутуниттифоқ ва халқаро аҳамиятга молик қатор анжуманлар пойтахтимизда тез-тез ўтказилиб турибди.

— Кенг ўқувчилар оммасида тўлароқ таассурот ҳосил қилиш учун туркологиянинг соҳа йўналишлари ҳақида қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтсангиз.

— Конференция уч кун мобайнида уч секцияга бўлинган ҳолда иш олиб боради. Ўз навбатида мазкур секциялар бир неча кичик секцияларга бўлиниб кетади, умуман, кичик ички секциялар тўққиздан иборат. Чунончи, Лингвистик секция туркий тиллар тарихи, диалектология, грамматика, фонетика, фонология, морфонология ва стилистика, лексикология ва лексикография, туркий тилларни қиёсий ва типологик ўрганиш каби кичик секцияларга бўлинган. Адабиётшунослик секцияси эса адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён ва адабиёт назариясининг масалалари, фольклористика каби кичик секциялари ўз ичига олади. Шунингдек, тарих секциясида туркий халкларнинг этник ва тарихий алоқаларининг тўрт босқичлари, ўзаро маданий алоқаларнинг умум социалистик маданият тараққиётида тутган ўрни ва роли ҳақидаги маърузалар ҳам тингланади. Хуллас, қадимги давр ва ҳозирги замон туркологиясининг барча соҳа ва йўналишлари тўла қамраб олинган. Булар—тилшунослик, адабиётшунослик, фольклористика, тарих, археология,, этнография ва бошқа соҳа йўналишларидан иборатдир.

—Конференция иштирокчилари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

—Анжуманда Иттифоқимиздаги Москва, Ленинград, Олмаота, Ашхобод, Абакан, Боку, Душанба, Қозон, Махачқала, Новосибирск, Новокузнецк, Омск, Стерлитамак, Уфа, Чебоксар, Тбилиси, Фрунзе, Элиста сингари 47 шаҳардан 504 олим қатнашади. Шу билан бирга Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Польша, Швеция, АҚШ, Франция, Япония каби бир қатор хорижий мамлакатларнинг туркологлар оммасидан ҳам чоп этилмоқда. Айни кунларда республика Фанлар академиясининг бир академиги, тўрт мухбир аъзоси, 20 га яқин филология фанлари доктори, 80 га яқин филология фанлари кандидати, хуллас 200 кишидан ортиқ институтимиз коллективи Иттифоқимиздаги йирик илмий марказлардан бирига айланди. Шу боисдан ҳам Бутуниттифоқ ва халқаро аҳамиятга молик қатор анжуманлар пойтахтимизда тез-тез ўтказилиб турибди.

— Кенг ўқувчилар оммасида тўлароқ таассурот ҳосил қилиш учун туркологиянинг соҳа йўналишлари ҳақида қисқача бўлса-да, тўхталиб ўтсангиз.

— Конференция уч кун мобайнида уч секцияга бўлинган ҳолда иш олиб боради. Ўз навбатида мазкур секциялар бир неча кичик секцияларга бўлиниб кетади, умуман, кичик ички секциялар тўққиздан иборат. Чунончи, Лингвистик секция туркий тиллар тарихи, диалектология, грамматика, фонетика, фонология, морфонология ва стилистика, лексикология ва лексикография, туркий тилларни қиёсий ва типологик ўрганиш каби кичик секцияларга бўлинган. Адабиётшунослик секцияси эса адабиёт тарихи, ҳозирги адабий жараён ва адабиёт назариясининг масалалари, фольклористика каби кичик секциялари ўз ичига олади. Шунингдек, тарих секциясида туркий халкларнинг этник ва тарихий алоқаларининг тўрт босқичлари, ўзаро маданий алоқаларнинг умум социалистик маданият тараққиётида тутган ўрни ва роли ҳақидаги маърузалар ҳам тингланади. Хуллас, қадимги давр ва ҳозирги замон туркологиясининг барча соҳа ва йўналишлари тўла қамраб олинган. Булар—тилшунослик, адабиётшунослик, фольклористика, тарих, археология,, этнография ва бошқа соҳа йўналишларидан иборатдир.

—Конференция иштирокчилари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

—Анжуманда Иттифоқимиздаги Москва, Ленинград, Олмаота, Ашхобод, Абакан, Боку, Душанба, Қозон, Махачқала, Новосибирск, Новокузнецк, Омск, Стерлитамак, Уфа, Чебоксар, Тбилиси, Фрунзе, Элиста сингари 47 шаҳардан 504 олим қатнашади. Шу билан бирга Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Польша, Швеция, АҚШ, Франция, Япония каби бир қатор хорижий мамлакатларнинг туркологлар оммасидан ҳам чоп этилмоқда. Айни кунларда республика Фанлар академиясининг бир академиги, тўрт мухбир аъзоси, 20 га яқин филология фанлари доктори, 80 га яқин филология фанлари кандидати, хуллас 200 кишидан ортиқ институтимиз коллективи Иттифоқимиздаги йирик илмий марказлардан бирига айланди. Шу боисдан ҳам Бутуниттифоқ ва халқаро аҳамиятга молик қатор анжуманлар пойтахтимизда тез-тез ўтказилиб турибди.

Умуман, анжуманда 20 га яқин академиклар, 50 дан ортиқ фанлар академиялари мухбир аъзоларининг, 100 га яқин фан доктори, профессорларнинг ўз маърузалари ва чиқишлари билан қатнашиши анжуманнинг илмий-назарий савиясини оширишда катта аҳамият касб этади.

СССР Фанлар академиясининг академиги А. Н. Кононов, Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиклари М. Ш. Шералиев, А. С. Сумбатзода, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги Б. О. Орузбоева, Қозогистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Каратаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академикларидан В. Й. Зоҳидов, М. К. Нурмуҳамедов, В. А. Абдуллаев, М. Й. Йўлдошев, С. К. Камоловлар қизиқарли ва чуқур илмий-назарий докладлари билан ўрталашадилар. Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги Г. С. Сидиқбеков, СССР Фанлар академияси Тилшунослик институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. В. Степанов, СССР Фанлар академиясининг рус тили институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ф. П. Филин, СССР Фанлар академияси Этнография институтининг директори, академик Ю. В. Бромлей, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги Б. Ж. Жамгерчинов, Қозогистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. Кенесбаев, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоларидан А. В. Десницкая, Г. Ф. Ким, Г. Х. Саркисян, Б. А. Серебрянников, В. Н. Ярцеваларнинг конференция ишида ўз маърузалари билан қатнашишлари анжуман аҳлини беҳад қувонтиради.

— Конференциядаги докладларнинг асосини қандай масалалар ташкил этади? Уларнинг моҳиятини қисқача изоҳлаб берсангиз.

— Адабий тиллар ва уларнинг тарихи, тарихий грамматика, адабий тил ва диалектлар, туркий археография, туркий тилларни тарихий-қиёсий ва археал ўрганиш ҳамда уларни классификация қилиш методлари, туркий тилларнинг тараққиёти ва бойишида рус тилининг роли, рус ва Ғарбий Европа ҳамда туркий тиллар қиёсий грамматикаларининг тузилиши назарияси ва амалиёти, туркий тилларнинг диалектологик атласи ва унинг тузилиш принциплари, таржима, изоҳли, топонимик, инверсион ва этимологик луғатларни тузиш принциплари каби муҳим масвалалар юзасидан фикрлашиб олинади

Адабиётшунослик бўйича кўрилажак масалалар қамрови ҳам кенг ва теран. Ўтмиш адабий мероси, совет адабиётининг тараққиёт тажрибалари, туркий халқлар адабиётчиларида социалистик реализм методининг тараққиёт босқичлари, туркий халқлар адабиётидаги ўзига хослик, реализмнинг структураси, поэтика каби қатор масалалар кўриб чиқилади. Адабиёт ва санъатда янги жанр ва шаклларнинг келиб чиқиши, уларнинг ўз замини ва бошқа халқлар адабиёти ва санъати билан алоқаси, миллий адабиётлар тараққиётида ўзаро адабий муносабатлар, ҳозирги замон адабиётларининг маънавий ва эстетик тараққиётида классик мероснинг аҳамияти, адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабатлари каби проблемалар ҳам муҳокама қилинади.

—Туркологлар конференциясини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нималардан иборат?

— Туркий тилларда сўзлашувчи халқлар муайян ўтган даврда мобайнида она тили, адабиёти ва тарихини ўрганиш борасида қандай муваффақият л а р г а эришган бўлса, тадқиқот натижалари конференцияда умумлаштирилади, бундан кейинги тадқиқ этилажак илмий-назарий проблемалар конкрет равишда белгилаб олинади. Бу ларнинг ҳаммаси—қардош республика олимлари, туркий тиллар халқларининг етакчи тадқиқотчилари ўртасидаги фикр, тажриба алмашиш, муштарак масалаларни муҳокама қилиш Туркология фани, унинг соҳа ва йўналишларининг келгуси тараққиёт йўлларини белгилаб беради.

Суҳбатни филология фанлари кандидати **Нуъмон РАҲИМЖОНОВ** олиб борди.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

БОЛА ҚАЛБИНИНГ ИНЖЕНЕРИ

Педагог ўйлари

МЕҲРИБОН ЎҚИТУВЧИ— ДИЛЛАРГА ПАЙВАНД, ЮРАКЛАРГА ЙЎЛ ТОПАР —УЛҒАЯР ФАРЗАНД.

Фарзанд азиз—одоби ундан азиз, деган ҳикматда катта маъно бор. Бола тарбияси ота-она учун ҳам, мураббий ўқитувчилар учун ҳам жуда қийин, масъулиятли, айни пайтда шарафли вазифадир. Ота-она ўз фарзандини чақалоқлик вақтидан тарбиясига берилади, яслиқ-боғчада бола дастлабки тарбия кўникмасини олади, мактабда эса унга билим бериш билан бирга аҳлоқ-одоб, тарбия ўргатилади. Бу даврда ота-онага, мураббий ўқитувчиларга катта масъулият юкланади. Уларнинг ҳар бири таълим-тарбияни севиб, чуқур тушуниб, янгича маъқул усулларидан фойдаланиб иш кўришлари айни муддао бўлади.

Шуни айтиш керакки, 12—15 ёшли болалар тарбияланиши жиҳатидан энг мураккаб группага мансуб бўлиб, педагог улар билан ишлашга ижодий ёндошиши, уларга алоҳида ҳушёрлик билан муомала қилиши лозим. Маълумки, ўсмирлик ёшидаги болалар жисмоний ўсиш ва психик ривожланишдаги ўзгаришлари билан ажралиб турадилар. Кўплари ўзининг бесаранжомлиги, қизиққонлиги ва ўхшовсиз хатти-ҳаракатлари, кексалар ибораси билан айтганда «ўзини ўтга-чўққа уриши», «ерга урсанг, кўкка сакраши» туфайли ота-оналарини, ўқитувчиларини анчагина ташвишга соладилар. Болаларда бу пайтда хаёл ва орзу кексиз бўлади: улар бирданига тўрт-бешта тўгаракка аъзо бўлишни, айримлари кемада капитанлик қилишни, бошқалари буюк сайёҳ бўлишни орзу қиладилар. Бу ўсмирлар орасида учрайдиган табиий бир ҳол бўлиб, бунда уларни тушуниш, имкониятларини тўғри баҳолаш, характерининг ички хусусиятларини билиш, энг муҳими болаларнинг қобилиятини такомиллаштириб, асосий мақсадга қаратиш зарур.

Ўқувчи ҳар хил сабаблар билан «тарбияси қийин» болалар қаторига кириб қолиши мумкин. Мана бирнеча мисол. Тошкентдаги мактаблардан бирининг 7-«А» синфига химиядан дарс берадиган ўқитувчи бетоблиги учун II чоракда дарсга кела олмади. Шу синф ўқувчиси Оллаберган чорак давомида химиядан бир неча марта «2» баҳо олди, унга чорак учун ҳам «2» қўйилди. Бола анча ўзгариб, кайфияти бузилиб, бир оғиз ҳам гапирмайдиган бўлиб қолди. У билими ҳаддан ташқари бўшлиги сабабли баҳосини ўзгартира олмади. Синф раҳбарининг айтишича, Оллаберган тобора пассивлашиб, бошқа фанлардан ҳам «2» оса бошлади. Шундан кейин синф раҳбари Оллабергання юришу-туришини, ўқишга муносабатини алоҳида эътибор билан кузатишга киришди.

Оллаберган нима учун қийналаётганини, қандай ёрдамга муҳтож бўлаётганини суриштириб, у билан алоҳида суҳбатлашди. Суҳбат ўқувчининг руҳини кўтарди, Оллаберган гарчи арзимас бўлса-да, дастлабки ютуқларга эриша бошлади. Химия ўқитувчиси ҳам ҳушёрлик кўрсатиб, уни доскага чақириб сўраш ва ижобий баҳо қўйиш мумкин бўлган пайт келганидагина шундай қилди. Шунингдек Оллаберган яхши жавоб қайтара оладиган саволларни берарди. Мана шундай тадбиркорлик натижасида Оллабергання билимига қўйилган дастлабки ижобий баҳо фақат унинг ўзини эмас, синфдошларини ҳам анча мамнун этди. Химия ўқитувчиси Оллабергання бир оз мақтаб, унинг бундан ҳам яхши ўқиб кета олишига ишонч билдирди. Шундан кейин Оллабергання бирор марта ҳам мактабга дарс тайёрламай келиши рўй бермади. Унинг дарслардаги активлиги ортиб борди. III чоракда химиядан «4» олди, бошқа фанларни ҳам анча яхши ўзлаштирди. Унинг мактабдаги ҳаёти нормал изга тушди.

Агар педагог болаларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлса, уларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб иш тутса, болалар ҳам уни иззат-ҳурмат қиладилар, талаб ва топшириқларини сидқидилдан бажарадилар. Ўқитувчининг болаларга мана шундай меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги унинг юксак профессионал маҳорати билан уйғунлашиб, «педагогик профилактика»н и н г асосларидан бирини ташкил этади.

Ўсмирлик ёши яна бошқа хусусиятларга ҳам эгадирки, болалар хулқини бошқариш ва шу қийин даврда уларга яқиндан ёрдам бериш учун мазкур хусусиятларни билиш шарт. Булардан бири ўсмирлардаги ғояларнинг қарама-қаршилигидир. Масалан, ўсмирларда ҳаётнинг умумий проблемаларига қизиқиш, маҳзум тасаввур ва тафаккурга интилиш кучайсада, бироқ болаларга хос хусусият —фикрлашнинг хомлиги сақланиб қолади. Болалар организмига хос серҳаракатлик ва эгилувчанликнинг йўқолиши билан бирга, қўл меҳнатида эпчиллик вужудга келади. Ўсмир ҳамма нарсада ўзининг жуда катта қувват-имкониятини ишга сололмайди. Унинг «яширин» энергияси баъзан қайсарлиги ва ўзбошимчалигида, баъзан қўполлиги ва сержаҳллигида ва баъзан бемаза қиликларида намоён бўлади. Мана бир мисол: Қудрат яхшигина қобилиятли бўлса-да, бир неча фанлардан ўзлаштира олмади. У ўқишни истамас, ўқитувчиларга димоғ-фироқ қилар, улар билан ўчакишар эди. Унинг хатти-ҳаракати педсоветларда ҳам муҳокама қилинди. Ота-онаси мактабга чақиртирилди, уйида ҳам алоҳида суҳбатлар ўтказилди, лекин бирор сезиларли ижобий натижа чиқмади. Бир куни машғулотлар бораётганда синф раҳбари Қудратни мактаб ҳовлисида кўриб: «Нега дарса кирмадинг?» деб сўради. «Мен бу дарса тайёрланмаган д и м, ўқитувчи чақирса «2» оламан»,— деди Қудрат.

—Мен ўтган йилдан бери ўқишга ҳоҳишинг ўзгариб қолганини билиб, анча ташвишланиб юраман, — деди синф раҳбари.

Қудрат бундай гапни кутмаган эди. Шунга кўра анча мулойимлик билан:

—Мен ҳамма фандан ёмон баҳо олдим, буни дадам билмайди, шундан қийналяпман, —деди.

—Бу ишинг яхшимас. Ота-она одамнинг энг яқин сирдоши бўлади. Улар билан маслаҳатлашишинг керак эди.

Қудрат жуда ғамгин, маъюс, кўринишича ачинарли эди.

—Биласанми, Қудрат, —деди синф раҳбари,—ҳақиқий дўстлик, самимийлик, ишонч ва ҳалоллик ишингда, ўқишингда сенга катта ёрдам бериши мумкин.

—Мен анча материалларни ўтказиб юбордим, энди бошқаларга етиб олишим қийин.

Унинг гапидан ўқитувчининг ёрдам беришига умидворлиги сезилиб турарди.

—Агар сенга айрим фанлардан ёрдам берсам, дарс билан шуғулланиб, ҳамма топшириқларни ўз вақтида бажарасанми?

Қудратнинг бирдан чеҳраси ёришиб, кулимсираб бош иргади.

Ўша кундан эътиборан синф раҳбари ўзи ўқитадиган математика ва физика дарслари бўйича унга мунтазам ёрдам бера бошлади. Қудрат эса топшириқларни бажариб, масалаларни ечишга ҳаракат қилар, ўзининг дарсга тайёрланиб келаётганини кўрсата бошлади.

Хўш, педагог тўғри йўл тутдими? Кўриниб турибдики, у ўқувчи билан индивидуал ишлаш учун аввало яқин алоқа боғлаб, ижобий натижага эришди. Шундан сўнг синф раҳбари Қудрат билан бевосита коллективда иш олиб бора бошлади. Жамоатчилик таъсирининг ҳар хил методларини қўллади: синфдаги ўқувчилар олдида ўнг рағбатлантирди, мактаб деворий газетасига мақола ёзиб, Қудратни ўз камчиликларини йўқотиш учун кураша олган «иродали ва мустақил» бола сифатида мақтади, комсомол ташкилоти орқали ун ўтгаран машғулоти ва ижтимоий-фойдали ишларга жалб этди...

Еттинчи синф ўқувчиси Ғайрат жисмоний ва руҳий жиҳатдан нормал бўлса ҳам, жуда интизомсиз бола эди, мактаб директори ва ўқитувчиларининг айтишича «дарди-бедаво» ўқувчи эди. У дарс пайтида ўқитувчининг гапларини ўзи тингламагандек, бошқаларнинг тинглашига ҳам ҳалақит берар, унинг лўқмалари, ноўрин ҳазиллари синфда кулги қўзғатиб, иш вазнятини бузар эди. Хуллас, бу болага тегишли йўсинда жиддий таъсир кўрсатиш зарур эди.

Ғайрат мактабдаги пионер ишларидан четда юрар, оилада кенжа ўғил бўлгани учун у меҳнатга ўргатилмас, шу боисдан ишда эришиладиган муваффақият завқини билмас, кишилар учун яратилаётган фаровонлик, қулайлик ва ҳоказолар ҳеч қандай куч сарфланмай, ўзидан-ўзи вужудга келади, деб тушунарди. Ота-онаси мактабга чақирилиб қўлланган чоралар ҳам Ғайратга асло таъсир этмади, аксинча ишни анча мураккаблашти р д и. Лекин педагог билан унинг ўртасида тасодифан бўлиб ўтган эркин суҳбат болада ижобий ҳиссиётларнинг туғилишига сабаб бўлди. Бу воқеа шундай юз берди:

География ўқитувчиси «Жонажон ўлкамиз бойликлари» темаси учун кўргазмали қуроллар тайёрламоқчи бўлиб, бу ишда ёрдамлашишни Ғайратдан илтимос қилиб қолди. Бола кўнди. Икковлари ишга киришиб кетиб, кечқурун соат 10 бўлганини ҳам сезмай қолишди. Ғайрат бунга ажабланиб: «Сиз ҳар бир дарсга шунча узоқ тайёрланасизми?» — деб сўради. «Ҳа—деди ўқитувчи, — лекин сен билан мен шунча кўп меҳнат қилганимиз эвазига мана шу тема бўйича эртага ўтадиган дарсимиз синфдаги барча ўқувчилар учун жуда қизиқарли, фойдали бўлади».

Уларнинг бу суҳбати уйга қайтаётганларида йўл бўйи давом этди. Натижада Ғайрат кишининг коллектив олдидаги, жамият олдидаги бурчи ва мажбурияти деган сўзларининг маъносини, моҳиятини бир мунча ҳис қилди. Бу эса унинг келгуси куни дарсларда ўзини тутишида яққол кўринди. Бора-бора v дарсга жиддий муносабатда бўлиш билан бирга, бошқаларни ҳам шунга даъват эта бошлади.

Биз эса «тарбияси қийин» болаларни тўғри йўлга солишда ўқитувчининг ўқувчи билан яқин алоқа ўрнатиши, унга шахсан намуна бўлиши ва индивидуал иш олиб бориши ниҳоятда муҳим омил эканига яна бир марта ишонч ҳосил қилдик.

Мактабларда яна шундай назоратсиз болалар ҳам учрайдики, уларнинг кўплари турли сабаблар билан «тарбияси қийин» ўқувчиларга айланади, одатда одамови, сержаҳл, мактаб коллективидан узоқ, ўз кучига ва атрофдагиларнинг оддиллигига ишонмайдиган бўлади. Ўқитувчи ва тарбиячилар бола қалбини, унинг ички руҳий оламини чинакам педагоглик, худди инженердек яхши билсалар, унга тўғри йўл топсалар, ҳеч сўзсиз ўқувчини «тарбияси қийин»ликдан қутқариб оладилар. Педагоглар ўқувчи қалбида мактабга нисбатан ҳароратни вужудга келтиришлари, бунинг учун аввало синфдан ташқари ишлардан фойдаланишлари, синф раҳбари билан фан ўқитувчилари ўртасидаги ҳамкорликни қизғин тус олдиришлари лозим. Шундагина шарафли вазифамизни адо этиб, замонамизнинг ҳар томонлама етук кишиларини тарбиялаган бўламиз.

Д. ҚУЛДОШЕВА,
Қорн-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг илмий секретари, педагогика фанлари кандидати.

ОҚСОҚОЛНИНГ БАЙРАМИ

Тожикистоннинг Сарихосор қишлоғида истиқомат қилувчи Ёқубтўра Аминов ўзининг 100 ёшга тўлган кунида янги хизматга тайинланди. У «Кангурт» совхози тоғ яйловларининг назоратчиси бўлди.

Оқсоқолнинг туғилган кунини байрам қилиш учун бутун округ одамлари тўпланди. Аминов халқ ўртасида машҳур одам. У революция йилларида қўлига қурол олиб, ёш Совет ҳокимиятини босмачилардан ҳимоя қилди. Кейин уни қишлоқ советига раис қилиб сайлашди. Коллективлаштириш даврида бу ерлардаги биринчи колхозга бошчилик қилди. У кўп йиллар мобайнида ўрмон хўжалигига ҳам раҳбарлик қилди.

Аминов сулоласида юздан кўп киши бор. Оқсоқол 100 ёшда бўлишига қарамай, бардам. У пенсияда бўлса ҳам ишсиз ўтира олмайди. Оқсоқолнинг ўзи олис яйловни танлаб, уни қандай қилиб обод этиш кераклигини айтиб беради.

(ТАСС).

«Жудаям ширин экан».

М. Нуриддинов фотоэтюди.

КАРНАВАЛ УЧУН ПРОГРАММА

БУГУН

Пойтахтимизда а г и барча маданият уйлари ҳамда маданият ва истироҳат боғлари шу ҳафтада Ленин комсомоли боғида ўтказиладиган ўспирин карнавалига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса, маданият уйлари қошидаги санъат коллективлари бу карнавалда бир қанча чиқишлар қиладилар.

шаҳар маданият уйлари қошида ташкил этилган вокал ва халқ чолғу ансамбллари, эстрада ҳаваскорлари ва рақс коллективлари карнавал программаси бўйича тайёргарликни ниҳоясига етказишди.

Ансамбллар репертуарида СССР халқлари куй ва қўшиқлари ҳамда рақслари бор.

МАДАНИЯТ УЙЛАРИДА

ЧЕВАРЛИК СИРЛАРИНИ ЭГАЛЛАБ

Йўлдош Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида бир қатор тўгараклар ишлаб турибди. Шулардан бири—бичиш-тикиш курсидир. Курс бир йиллик бўлиб, унда машғулотлар группаларга ажратилган ҳолда олиб борилади. Шундай группалардан учтасига Муҳаррам Абдуллаева раҳбарлик қилмоқда. Муҳаррам опа бу ерда 20 йилдан буён ишлаб келади. Унинг ўзи ҳам шу маданият уйидаги тикувчилик курсини тамомлаган. М. Абдуллаева бошчилигидаги группада 60 нафар хотин-қиз тикувчилик касбини ўрганмоқда. Тўгарак қатнашчиларидан Муҳаббат Зуфарова, Насиба Тошматова, Мавлуда Муродовалар тикувчиликнинг нозик сирларини эгаллаб олишган. Энди улар ўзлари учун кўйлак, халат, юбкаларни бемалол тика оладилар.

Матлуба Ғафурова бошчилигидаги 4-группада эса 85 нафар қатнашчи бор. Матлуба опа ҳам кўп йиллардан бери тикувчилик тўгарагига раҳбарлик қилиб келяпти. Унинг қизларидан Альфия Абдураҳмонова, Нурия Алиева, Нафиса Раҳматовалар тикувчиликни пухта ўрганиб олиб, турли корхоналарда меҳнат қилмоқдалар.

Қолган уч группада Раъно Орипова машғулотлар олиб бормоқда. Уларда 58 нафар хотин-қиз иштирок этади. Бу группаларнинг қатнашчилари ҳам чеварлик сирларини секин-аста эгаллаб боришяпти.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

СУРАТДА: бичиш-тикиш курси раҳбари М. Абдуллаева ўқувчилардан М. Содиқова, В. Зуфарова, Н. Зиямуҳамедова ва М. Зуфаровалар чеварлик сирларини ўрганмоқда.

Э. Муҳамедов фотоси.

АФҒОН ЁШЛАРИ— ДОҲИЙ МУЗЕЙИДА

В. И. Ленин Марказий музейининг шаҳримиздаги филиали шу кунларда айниқса гавжум. Олий ўқув юртларида, билим масканларида янги ўқув йили бошланиши билан музей знёратчилари яна кўпайди. Шу ҳафта ичида саккиз мингга яқин киши доҳий знёратгоҳи билан танишди.

БУГУН

музей навбатдаги знёратчиларни кутиб олди. Булар шаҳримиз ўқув юртларида таълим олаётган афғонистонлик ёшлар группаси бўлиб, группа 100 кишидан иборатдир. Қардош халқ ёшлари доҳийнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар билан танишдилар, В. И. Ленининг революцион фаолиятига доир лавҳаларни томоша қилдилар.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Х. РАҲМОНБЕРДИЕВ: Биз уйимизга радиоточка ўрнатмоқчи эдик. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишимиз керак?

Жавоб: Ҳар бир районда радиоузел бўлими мавжуд. Ана шу бўлимга мурожаат қилиб адресингизни қолдирсангиз, усталар уйингизга бориб репродукторлар ўрнатиб беришади. Ана шундай радиоузелларидан бири Махсидўзлик кўчасида жойлашган.

∴ ∴ ∴

М. АБДУНАБИЕВА: Мен тикиш-тўқиш тўгарагида қатнашишни истайман. Пул тўлаб ўрганиладиган шундай бичиш-тикиш тўгараги бор деб эшитдим. Мумкин бўлса ана шу тўгарагнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Сиз истаган тўгараклар ҳар бир райондаги Маданият уйи қошида ишлаб турибди. Бу бичиш-тикиш тўгарагида пул тўланиб, олти ойдан бир йилгача ўқилади. Ана шундай тўгараклардан бири Ҳамза кўчаси, 8-уйда жойлашган.

∴ ∴ ∴

З. КАМОЛОВА: Болаларим уйимиздаги диван ва стулларнинг чехолларини жуда кир қилиб юборишди. Ана шу чехолларни янгиси билан алмаштириш учун қайси ташкилотга мурожаат қилса бўлади?

Жавоб: Қорасарой кўчаси, 286-«а» уйда аҳолидан ана шундай буюртмаларни қабул қилиб оладиган комбинат жойлашган. Ана шу комбинатга учраш-иб буюртма берсангиз диван ва стулларингизнинг чехолларини алмаштириб, бўяб беришади. Телефон 48-35-28.

∴ ∴ ∴

М. МАТКАРИМОВ, Б. РУЗМЕТОВ: Эшитишимизча, шаҳримизда ҳимиявий йўл билан кийимларни бўяб берадиган пункт бор эмиш. Шу қаерда жойлашган?

Жавоб: Западная кўчаси, 1-уйда «Химчистка» пунктининг идораси жойлашган. Сиз ана ш, идорага мурожаат қилиб кийимларингизни истаган рангга бўяттиришингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

Р. ВАЛИЕВА: Уйимизда бузилиб ётган дазмол ва электр плиталари бор. Ана шуларни қаерда тузаттирсак бўлади?

Жавоб: Олой ва Октябрь бозорларида ана шундай ишларни бажариб берадиган устахона жойлашган. Сиз «Металлобит ремонт» комбинатига қарашли ана шу устахоналарга мурожаат қилишингиз мумкин.

∴ ∴ ∴

А. УСМОНОВ: Менинг ишим телефонда гаплашиш билан боғлиқ. Ҳозир телефон трубкасидаги овозни (соғлиғим туфайли) яхши эшита олмаяпман. Шунинг учун ишхонадаги телефон трубкасига эшитишимни кучайтириб берадиган қурилма ўрнатишнинг иложи борми?

Жавоб: Бунинг учун Тарас Шевченко кўчасидаги Ўзбекистон ССР алоқа министрлигига учрашинг. Бу ерда эшитишни кучайтириб берадиган аппаратлар мавжуд. Шундан бирортасини Сизга ажратиб беришади.

∴ ∴ ∴

А. ҲАКИМОВ: Яқинда ўғлимга мотороллер олиб берган эдим. Шуни тузаттириш керак бўлиб қолди. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: «Ўзбекфильм» киностудияси яқинидаги Комил Ерматов кўчасида мотоцикл ва мотороллерни тузатиб берадиган махсус устахона жойлашган. Бу устахона якшанба кунларидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч соат 18 гача ишлайди.

физкультура ва спорт

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

«Олимпиада—80» тарих мулки бўлиб қолди. Мукофотлар комплектларига— олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлган спортчилар ер куррасининг турли жойларига жўнаб кетдилар. Серқуёш Ўзбекистон днёрига ҳам Олимпиада медаллари насиб этди. Хўш, республикамиз спортчилари учун «Олимпиададан кейинги иш кунлари» қандай бошланди?

От спортчи бўйнча олимпиада чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Юрий Ковшов ҳикоя қилади:

— Москва Олимпиадасидан кейин тошкентлик от спорти мухлислари билан бир қанча учрашувлар ўтказдик. Отам ва тренерим Александр Никифорович билан бирга пойтахт корхоналарида, қурилишларида бўлдик. Ўнлаб йигит ва қизлар ўзларини от спорти мактабига қабул қилишни илтимос этиб, ариза юборишди. Бу эса ўзига хос «олимпиада акс садо»сидан далолат беради. Спортга бундай қизиқиш яхши, албатта. Лекин, шу билан бирга болалар, шуни ҳам эсда тутишлари керакки, фахрли шоҳсупа сари, айниқса олимпиада шоҳсупаси сари йўл текис эмас. Мен ана шу ғалабага йигирма йил юриб эришдим.

Ҳозир мусобақаларда қатнашмоқ учун Москвага жўнаб кетишга ҳозирлик кўрмоқдаман: Ўзбекистон чавандозлари сентябрь ойида ўтказиладиган Совет Иттифоқи команда чемпионатида иштирок этадилар. Бу турнир ниҳоятда масъулиятли, бироқ унда юксак натижага эришишга ҳаракат қиламан.

«Олимпиада— 80»нинг кумуш медаль совриндори— Александр Панфилов велосипед пойгаси бўйнча ўтказиладиган халқаро турнирда қатнашмоқ учун Францияга жўнаб кетди. У бундан деди:

— Жўнаб кетиш олдидан Фрунзеда, отамонам ҳузурида бўлишга улгурдим. «Малик» совхоз-техникумида бирга ўқиган ўртоқларим билан учрашдим, Мирзачўлдаги «Сирдарьинский» қишлоқ физкультурачилари ҳузурига бордим. Сирдарё педагогика институтида ҳамма «қарзларим»ни уздим. Олдимда трекда велосипед пойгасида қатнашишдан иборат оғир имтиҳон турибди. Мен тезликни ошириш устида ҳам, пойга тактикаси устида ҳам кўп ишлашим керак. Чунки атиги тўрт йилдан кейин энг муносиб кишиларни мамлакатнинг янги Олимпиада терма командасига қўшадилар. Мен ҳам шулар қаторида бўлишни истайман.

Ватерполчи, Олимпиада чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери— Эркин Шагаев бундай деди:

— Мен сув ҳавзасини бутун бир қўлга алмаштирдим — тўйдан сўнг, биз Марина билан бирга Иссиқкўлга жўнаб кетдик. Рафиқам ТошМИ студенти. Менинг спорт ҳаётимда ҳам яхши ёрдамчим бўлишига аминман. Ҳозир СССР терма командаси составида Венгрияда ўтказиладиган халқаро матч учрашувларига тайёрланмоқдаман.

Волейболчи, Москва Олимпиадасининг чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Лариса Павловानинг айтганлари:

— Олимпиада ўйинларидан кейин оила ташвиши менинг асосий ташвишларим бўлиб қолди. Шу кунларда бир ёшу саккиз ойлик қизим Леночкани парвариш қилмоқдаман. Ўйдаги «таймаут» узоқ давом этмайди. Олдинда машқлар, «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг биринчилиги учун беллашувлар турибди. Мен бу мусобақада яна Тошкентнинг «Автомобилист» клуби учун ўйнайман. Сўнгра мамлакат чемпионати бошланади.

Рустам Ямбулатов Олимпиада ўйинларида кумуш медалга сазовор бўлди. У Олимпиада мусобақаларидан кейин кўп ўтмай уюштирилган стендга отиш бўйнча «Хельсинки катта мукофоти» учун беллашувда ўзининг Москва Олимпиадасида кўрсатган натижасини такрорлади.

— Бу ерда ўтказилган мусобақада 196 очко тўпладим. Бу энг юқори натижа эди, деб ҳикоя қилади 29 ёшли тошкентлик мерган.— Мен Хельсинкида асосий мукофотнинг соҳиби бўлсам ҳам, лекин Олимпиада турнирида итальян дўстим Лучано Жиованнетти мендан «ўзиб кетди». Бундан хулоса шуки, янги чўққилар сари интилиш керак. 200 нишонни мўлжалга олишга, ҳамиша барқарор натижаларга эришиш — менинг орзуимдир.

ОФАРИН!

Франциядаги Компьен шаҳрида камондан отиш бўйина Европа биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган уч спортчидан иккитаси республикамиз вакили эди. Тўғрисини айтганда, Наталья Бутузова ва Ольга Роговалар кейинги йилларда фақат мамлакатимиздагина эмас, Европа ва Жаҳон миқёсида ўтказилаётган беллашувларда ҳам юксак маҳорат кўрсатиб, энг кучли мерганлардан эканликларини исботлаб келишаётган эди.

Бу сафарги беллашувлар ҳам уларнинг энг кучли спортчилар эканлигини тасдиқлади. Умумий якунда ҳамшаҳарларимиз тенг—1234 тадан очко тўплашди. Ғолибни аниқлаш учун беллашувлар судьялари қайси спортчи отган найза нишонга аниқ текканлигини ҳисобга олишди. Шунда Наталья йўллаган найзаларнинг кўпчилиги нишоннинг марказига аниқ борганлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам унга Европа биринчилигининг олтин медали топширилди. Ольга Рогова эса фахрий шоҳсупанинг иккинчи поғонасига қўтарилди. Мамлакатимиз терма командасининг аъзоси К. Лосеберидзе эса умумий якунда тўртинчи ўринни эгаллади.

Камончи қизларимиз команда ҳисобида ҳам олтин медални қўлга киритдилар. Бу муваффақиятга тошкентлик мерган қизларнинг катта ҳисса қўшганлиги ниҳоятда қувончлидир. Офарин!

Тўп учун кураш.
Р. Заградинов фотоси.

КАЛЕНДАРДА ЎЗГАРИШ

СССР терма командасининг жаҳон биринчилиги саралаш ўйинларида қатнашиши ва мамлакатимиздаги беш командининг Европа кубоги ўйинларида иштирок этиши муносабати билан СССР Спорт комитетининг футбол федерацияси олий лига командалари ўртасида ўтказиладиган учрашувлар календарига бир мунча ўзгартиришлар киритди. Янги календарга биноан «Пахтакор», «Черноморец» командаси билан 21 сентябрда эмас, 19 сентябрда учрашади. Ҳамшаҳарларимиз 25 сентябрда Львовнинг «Карпати», 14 ноябрда Минск шаҳрининг «Динамо» командаси футболчилари билан куч синашадилар.

СССР ТЕРМА КОМАНДАСИ СОСТАВИДА

Совет волейболчи аёллари Руминиядан олтин медаль билан қайтиб келдилар. Энг оммавий турнирлардан бири бўлган «Дўстлик» турнирида саккизта социалистик мамлакат хотин-қизлар командалари қатнашди. Бу беллашувда совет аёл спортчилари биронта ҳам матчни бой бермай, бош совринни қўлга киритдилар.

Тошкентнинг «Автомобилист» командаси волейболчи қизлари— Светлана Слепакова ва Светлана Исупова СССР терма командаси составида майдонга чиқдилар. Ҳар икки спортчи қиз халқаро ўйинларда яхши мактабдан ўтдилар, мураккаб имтиҳонга бардош бердилар.

(ЎзТАГ).

Ҳар тўғрида

КЎП БОЛАЛИ ЙЎЛБАРС

Рекордчилик мавқеи Американинг Редуудсити шаҳри ҳайвонот боғидаги Бағдод лақабли бенгал йўлбарсига насиб этди. Яқинда у бир йўла салмоғи 0,9 дан 1,1 килограммгача бўлган саккиз йўлбарс болаларининг онаси бўлди. Янги туғилган йўлбарсчалар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар ва улар яқин кунда томошабинларга «тақдим» этилади.

СИГИРЛАР — СТАРТГА

Маълум бўлишича, югуриш фақатгина одамга фойдали эмас экан. Америкалик фермер Роберт Лемб «сигирларни тетиклаштириш спорти» машинасини конструкция қилди. Унинг фиккича, ҳозирги замон сигирлари ўта дангаса бўлиб, ортиқча ҳаракат қилмайдилар. Шу боисдан уларда ортиқча кераксиз ёғ пайдо бўлиб, таналари сўлғи бўлиб, иштаҳаси ва сут бериш миқдори камаяди. Лемб ихтиро қилган «силтовчи ғўла» қурилмаси сигирларни югуришга мажбур қилади. Лембнинг таъкидлашича, ҳар кунги ўтказилган бир-икки километрлик «кросс» сигирларга ҳамда фермерларга фойда келтиради.

ОББО ТУЛКИВОЙ-Э!

Амур областидаги Свобода шаҳрида яшовчи Г. Яшин ишга кетаётиб бехосдан «ов» ўлжасига — тиниқ сариқ тусдаги тулкига эга бўлди. У итлар кўчада нимадир талашганини кўриб қолди. Яшин ғужанакка югуриб келган вақтда оқибат аён бўлган эди: қаршисида шаҳарга қаерландир келиб қолгани номаълум бўлган тулкининг жасади ётарди. Яшин уни кўппаклар бурда-бурда қилиб ташлашига қолдириб кетгиси келмади. У уйига қайтиб, бўлғуси «мўйна»ни омборда қолдириб, ишга шошилди.

Кечқурун эса тулки ўрнида йўқ эди. Жонланган айёр ойнасиз деразадан жуфтакни ростлади. У ўзи билан оғлавий байрамга тайёрланган гозни ҳам олиб кетган эди.

Ф. ОРИПОВ
тўплаган.

Доғистоннинг табиати ниҳоятда ранг-баранг. Осмонўпар тоғлар, чуқур даралар, шўх оқар дарёлар нўркамлиги билан ҳайратга солади. Камалак рангида товланувчи ўтлоқлар инни нўзини қувонтиради. Казбеков районида жойлашган Алмоқ қўриқхонаси автоном республиканинг энг хушманзара жойларидан ҳисоблана-ди. Бу ерда қўнғир айиқлар, қийиклар, тулкилар ва бошқа ҳайвонлар бор.

СУРАТЛАРДА: қўриқхонада яшаётган олачипор қийиклар; хушманзара қоялар манзараси.

ТАСС фотохроникаси.

ҲОДИСА

Маҳалла аҳли ташаккури

Кундузи соат бирлар чамаси эди. Болалар майдонда шўхликка берилишган. Шу пайт тўсатдан:

— Ўт, олов!— деган овоз эшитилди. Ҳамма болалар ишга киришдилар. Чеклаклар олиб чиқилди. Водопроводлардан тинимсиз сувлар оқарди. Бу ишга 2512-автокомбинат колоннаси бошлиғи Эгамберди Исамуҳамедов, «Назарбек» совхози партия ташкилотининг секретари Раҳимжон Исамуҳамедов, 81-мактаб ўқувчиси Меҳмон Сайдаминовлар бош-қош бўлишди. Уй ичидаги жиҳозлар, кийим-кечаклар дарҳол ташқарига олиб чиқилди. Икки соат давом этган ўт билан олишув жасоратли, мард қўшниларнинг иродаси билан ўчирилди. Ўт ўчириш командаси ҳамда «Пахтакор» маҳалласининг юзлаб аҳли Эгамберди Исамуҳамедов, Раҳимжон Исамуҳамедов, Меҳмон Сайдаминов ва бошқаларга ташаккур айтишди.

Катта, хавфли ўт чекинди. Уй эгалари Абдурашид ва Мамлакат Зокировалар маҳалла аҳлининг жонбозлигидан умрбод миннатдордирлар. Чунки, Марс кўчаси, 28-уйнинг кўрган зарари оз.

О. САЙДАМИНОВ.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

КИНО

4 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИВАН ШАМЯКИН»— Дружба.
«НОН ҲАҚИДА СЎЗ»— Фестиваль.
«АСРЛАР ОВОЗИ» — Москва.
«ЧЕККАДАГИ УЙ»— Восток.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИСҚА САЕҲАТ» —Қозоғистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).
«УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН» — Ҳамза номли (19.00, телефон 91-10-51).
«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ»— К. Ерматов номли (20.00, телефон 24-22-66).
«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— Санъат саройи (кичик зал, 17, 19.45, телефон 44-39-51).
«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОНЛ»— Санъат саройи (катта зал, (16.10, 19.00).

5 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИВАН ШАМЯКИН»— Дружба.
«НОН ҲАҚИДА СЎЗ» — Фестиваль.
«ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ АСРИДА ЕНҒИНЛАР»— Лисунов номли.
«АСРЛАР ОВОЗИ»— Москва.
«ЧЕККАДАГИ УЙ»— Восток.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИСҚА САЕҲАТ»— Қозоғистон (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).
«ТЎЙ КУНИНИ АНИҚЛАШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ» — К. Ерматов номли (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).
«УМРИНГИЗ УЗУН БЎЛСИН» — Тинчлик (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).
«ДУПЛЕТ ОТИШМА» — Ҳамза номли (10, 14, 19.00), Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).
«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — Санъат саройи (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.45, телефон 44-39-51).
«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОНЛ» — Санъат саройи (катта зал, 11, 13.30, 16.10, 19.00).

ДОИМИЙ ИШГА

печатниклар, қабул қилиб олувчилар, муқовачилар, стереотипёрлар ҳамда санаб ўтилган ихтисослар бўйнча шогирдлар; слесарь-сантехниклар, компрессорли ва совутиш қурилмаларнинг машинистлари, аккумуляторларни зарядловчилар, газ пайвандчи, контролёрлар, лифтчилар, қирқувчилар, ёрдамчи ишчилар, фарроплар, қоровуллар, вахтёрлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

БОЛГАРИЯ, ВЕНГРИЯ, ГДР, МОНГОЛИЯ, ПОЛЬША, РУМИНИЯ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ, СССР ЦИРК УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА

«ИНТЕРЦИРК—80»

ГАСТРОЛЛАРИ

(2 бўлимда)

ДАВОМ ЭТМОҚДА

СССР спорт мастери Александр ПАНИН раҳбарлигидаги

«ДЕНГИЗ ЛАВҲАЛАРИ»

АКРОБАТИК АНСАМБЛИ ҚАТНАШАДИ.

Манежда биринчи марта—ягона аёл-масхарабоз Галина БОГОМОЛОВА ва Лев ФЕДОТОВ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари 13, 16, 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ТЕЗ КУНДА

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ПЕТРОВКА, 38»

ЯНГИ, РАНГЛИ, КЕНГ ЭКРАНЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи— Юлиан СЕМЕНОВ.

Постановкачи режиссёр— Борис ГРИГОРЬЕВ.

БОШ РОЛЛАРДА: Василий ЛАНОВОЙ, Георгий ЮМАТОВ, Евгений ГЕРАСИМОВлар қатнашадилар.

«ПЕТРОВКА, 38» янги фильми саргузаштли жанр ишқибозларини ўзига жалб қилади. Унинг қаҳрамонлари ҳар қадамда хавфга дуч келадилар. Бу ажабланарли эмас, чунки Садчиков, Росляков ва Костенко— Москва жиноят-қидируви ходимларидир.

Фильм сюжети бизга кўп жумбоқларни ечиб беради. «Петровка» ходимлари олдида доимо ечиб ўтиш жуда мушкул бўлган тўсиқлар пайдо бўлади...

Сизни экранда қизиқарли учрашувлар кутмоқда.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ.

Китобсеварлар диққатига!

«ВОЕННАЯ КНИГА»

МАГАЗИНИ

АҲОЛИДАН КИТОБЛАР

СОТИБ ОЛАДИ

ВОЕННАЯ КНИГА

Бадиий, илмий (луғатлар, энциклопедиялар, справочниклар), китобшунослик, адабиётшунослик, ҳарбий мемуарлар, санъат, фольклор бўлимлари бўйнча ва бошқа нашрдаги, аҳоли томонидан кўплаб сўраладиган ноёб ва букинистик китобларни қабул қилади.

Магазин бадиий, болалар ва бошқа адабиётларнинг обуна нашрини оширилган баҳода, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат нарх-наво комитети томонидан тасдиқланган баҳога мувофиқ, СССР Маданият министрлигининг Бош нашриёти томонидан тасдиқланган рўйхат бўйнча мактаб дарсликларини харид қилади.

1961—1976 йилларда нашрдан чиққан совет ва чет эл бадиий адабиётлари, энциклопедия ва луғат нашрларининг харидорлар томонидан кўплаб сўраладиган ва яхши сақланганларига нашр баҳосига нисбатан икки баравар ортиқ баҳо қўйилади, каталог-прейскурантларга кирган китоблар бундан мустасно. Қўйилган баҳо бўйнча сотилиши шубҳа туғдирган китоблар аҳолидан комиссия томонидан қабул қилинади.

Комиссияга «Знамя», «Роман-газета», «Иностранная литература», «Вокруг света», «Новий мир» ва бошқа журналларнинг тўла комплектлари қабул қилинади.

«Военная книга» магазини бошма-бошга китоб алмаштиради. Харидорлар топширилган бадиий ва болалар адабиёти ўрнига аҳоли томонидан кўплаб сўраладиган китобларни олишлари мумкин. Аҳоли томонидан кўплаб сўраладиган китоблар топширилган китоб баҳосидан 30 процент ортиққа сотилади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ўзингизнинг шахсий кутубхонангизни синчиклаб кўздан кечиринг ва сизга ортиқча ҳужжатлар бўлмаган нашрларни «Военная книга» магазинига топширинг.

Китобни топширишда ўзингиз билан паспорт ёки унинг ўрнига ўтадиган ҳужжат бўлиши керак.

КИТОБГА ҚАЙТА ҲАЕТ БАХШ ЭТАЙЛИК!

АҲОЛИДАН КИТОБ ХАРИД ҚИЛАДИГАН МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

Ленин проспекти, 40-уй. Китоблар қабул қилинадиган соатлар— 10.00 дан 18.00 гача. Танаффус—14.00 дан 15.00 гача. Дам олиш кунлари —якшанба, душанба. Телефонлар: 56-50-35, 56-29-93.

Луначарское шоссеси, 61-уй (Радио молларн магазини). Иш соатлари— 10.00 дан 19.00 гача. Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача. Адабиётлар— чоршанба, жума ва шанба кунлари қабул қилинади. Телефон 66-13-21.

Комиссион суммалар барча бўлимлар томонидан ҳар ҳафтанинг шанба кунлари тўланади.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

4 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.05 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.50 От спорти бўйнча СССР чемпионати. Уч кураш. Конкурс. Олимпиада от спорти комплексидан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 20.05 Эстония ССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. Олимпиада-80 маданий программаси концертлари туркумидан. 21.30 «Время». 22.05 «Жарроҳга етти савол». Илмий-оммабоп фильм. 22.25 Хоккей бўйнча халқаро ўртоқлик учрашуви. Финляндия —СССР терма командалари. Хельсинкидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.05)— «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Мактаб спортчилари». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.15 «Инсон. Ер. Коинот». 23.00 «Туннингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 Вьетнам артистларининг концерти. 23.35 «Деснян ўлкаси». Ҳужжатли фильм. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари.

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Дўстлар». Қўғирчоқ фильм. 18.30 «Ешлик» студияси кўрсатади. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 60 йиллигига. «Фанимиз сардори». 19.00 «Халқ контроли экрани» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Еш овозлар». С. Назирова ва О. Орифжонов (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси солистлари О. Отажонов ва Ф. Солихова концерти. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.20 А. Навоий номли Давлат академик Катта театрининг 50 йиллигига. Т. Жалилов, Б. Бровцин, С. Абдулла. «Тоҳир ва Зуҳра». Спектакль. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Арнасой қўриқхоналарида» (рус.). 20.55 «Мен, Алёша Лопухов». Телефильм. 21.05 «Ўқитувчи экрани». 21.35 «Ўй». Фильм-концерт. 22.05 «Калаванинг учи». Бадиий фильм.

5 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Эски тегирмон ёнида». Телевизион бадиий фильм. 11.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.20 Петрозаводск шаҳри бадиий коллективларининг концерти. Петрозаводскдан олиб кўрсатилади. 12.35 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.20 «Қимматбаҳо тошлар». Фильм-балет (Рига). 16.40 «Олимпиадачилар орамизда». 17.10 «Москва комсомолининг ишлари».

17.40 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Олтин халитча». Бадиий фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фазиси» фольклор ансамблининг концерти (Тбилиси шаҳри). 20.05 «Время» программасининг почтаси. 20.40 «Бимбобелло печеньеси». Телевизион бадиий фильм. «Бугун кечқурун —Фернандель» туркумидан (Италия). 21.30 «Время». 22.05 «Эрмитаж». XVII аср Франция санъати. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 Интервидение фестивали. Сопотда эстрада қўшиқлари конкурси (Польша).

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 23.00 «Туннингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 РСФСР халқ артисти Л. Соляник концерти. 23.50 «Бунда бир гап бор». Илмий-оммабоп фильм. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Биология нимани ўрганади». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 «Абрамцево музей-чорбоғи». Телефильм. 12.30 «Биология нимани ўрганади». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 «Яшаш учун туғилганлар». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун «Звёздочка» киноальманахи. 19.10 «КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК». Тошкент абразив комбинати. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Сеҳрли лой». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 20.00 Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига. «Ибн Сино — буюк энциклопедист олим». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Дошумова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Бир йигит ҳаётидан тўрт саҳифа». Бадиий фильм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Оператор Кипснинг янги саргузашти» (рус.). 20.45 «Пойтахт области далаларида». 21.15 «Нишаб йўлга қўйилди», «Инженерлар ва ўрмон», «Волга автомобиль заводининг архитекторлари». Телефильмлар. 22.10 «Мукаддас тухфалар аравасн». Телеспектакль (рус.).

4 ТОШКЕНТ БЕҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41, ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-53-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ варлиги ишлари — 32-55-32 хатлар—33-29-70; — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарвлар ишлари — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

4 СЕНТЯБРЬ, 1980 й. Р—14077. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Б—2176.